БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
5 сентябрь
Чоршанба
№ 168 (13.604).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Пойтахтдаги «Орзу» чарм-галантерия ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар харидорларга тобора манзур бўлаётир. Бирлашмада сифат учун курашда йигит-қизлар ташаббускорлик кўрсатишмоқда ва смена топшириқларини муттасил равишда ортиғи билан адо этишмоқда. Ҳамкасблар ўртасидаги меҳнат баҳсида эса сиз суратда кўриб турган Г. Алимова пешқадамлик қилаётир. У смена топшириқларини доимо 120-130 фоизга бажармоқда.

Ҳ. СОЛИҲОВ суратга олган.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида

Аграр тармоқ: иқтисодиёт экологияга яраша бўлсин

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида деҳқончилик-саноат комплекси масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. «Ўзбекўрмон» ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси тақдим этган «Узбекистон ўрмони» комплекс жумҳурият дастури кўриб чиқилди.

Бу дастур ўрмонларнинг иқтисодий, экология ва ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқади. Ҳозирги вақтда жумҳуриятнинг ўрмонлари унинг ҳудуди 13 фоизини ташкил этади. Ҳар бир киши ҳисобига атиги 0,1 гектар дарахтзор тўғри келади. Бу умумиттифоқ кўрсаткичдан анча кам.

Ҳисоботларга қараганда, сўнгги йилларда кўп дарахт кўчатлари ўтқазилиб, бу ишга анча-мунча маблағ сарфланган бўлса ҳам ўрмон фондининг аҳволи... ёмонлашди. Ахборотлардаги катта рақамлар орқасида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш чоралари бутунлай йўқлиги, ўсимликлар қирқтиб юборилаётганлиги, тупроқ шўрланаётганлиги ва бошқа салбий жараёнлар яширинган эди.

Бу жараёнлар шунинг учун ҳам юз бердики, ўрмон хўжалигида раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурийчилик услуби ҳукм сурганди. Мутахассисларнинг фақат учдан бир қисмигина олий маълумотлидир. Хўжалик раҳбарларининг атиги 39 фоизи ўрмоншунослардир, асосий ўрмон мутахассислари орасида эса бундан ҳам камроқ. Қуйи бўғиндаги ходимлар билан боғлиқ вазият ҳам яхши эмас.

Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, зараркунандаларга қарши курашнинг биологик усули билан боғлиқ ишлар яхши ташкил қилинмаган, Ўрмонларни ёнғиндан, ўзбошимчалик билан кесишдан, молларнинг пайҳон қилишидан сақлаш ёмон аҳволда, табиий дарахтзорлар, ўтқазилган кўчатлар нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Бунинг устига тармоқнинг ижтимоий ривожланиши бошқа тармоқларга нисбатан жуда паст даражада.

«Ўзбекистон ўрмони» дастури ана шу муаммоларни ҳал этишнинг 2006 йилгача мўлжалланган йўлларини белгилайди. Унинг бўлимларида белгиланган барча тадбирлар ўрмон ресурсларидан авайлаб ва тежаб фойдаланишни, экология вазиятини яхшилашни, тармоқ даромадларини оширишни, ўрмон хўжалиги ходимлари турмуш даражасини яхшилашни кўзда тутади.

Ўн учинчи беш йилликнинг ўзидагина 210 минг гектар ерда ўрмонларни тиклаш кўзда тутилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинзорларидаги ихота дарахтзорларининг ҳамма турлари 67 минг гектарни ташкил этади. Ана шу ва бошқа эҳтиёжлар учун сармоя ҳажмини икки баравар кўпайтириш талаб қилинади. Келгуси йилдан бошлаб ўрмон ходимлари сони ҳам икки баравар ортади.

Дастурда тармоқ самарадорлигини муттасил кўпайтириб бориш кўзда тутилган. Беш йилликнинг охирига бориб товар маҳсулот етиштириш — бир ярим баравар, мева етиштириш — 1,3 баравар, ёнғоқ етиштириш — бир ярим баравар, асал етиштириш — икки баравар кўпайтирилади. Бу эса ўрмондан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан олинадиган даромадни икки баравар кўпайтиришга имкон беради.

Орол денгизининг қуриб қолган қисми ва Оролбўйини, саҳролари ва тоғ ёнбағирларини мелиорациялашга катта эътибор берилган. Ана шу ва бошқа масалаларни ҳал этишга Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари жалб этилади, келгусида эса чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Иқтисодий ҳамкорлик соҳасида хорижий фирмалар билан шифобахш хом-ашёни дастлабки қайта ишловчи қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий саёҳатчиларни, шу жумладан, қабул қилиб олиш ва уларнинг ов қилишларини уюштириш учун базалар қуриш кўзда тутилади. Бу эса тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-маданий-маиший шароитни яхшилаш учун маблағ, шу жумладан валюта ишлаб топишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигида химикатларни сақлаш ва фойдаланиш жумҳуриятдаги экология вазиятига таъсир қилувчи энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Комиссия мажлисида кўриб чиқилган табиатни муҳофаза қилиш жумҳурият жамиятининг хати шу муаммога бағишланган эди.

КПСС Марказий Қўмитаси 1966 йил октябрь Пленумининг қишлоқ хўжалигини кимёлаш йўлини бошлаб берган қарорлари чорак асрдан буён маълум. Шу йиллар давомида кимёвий ўғитлар етказиб бериш икки баравар кўпайди. Ўсимликларни зараркунандалардан, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари кенг қўлланиладиган бўлиб қолди.

Афсуски, ана шу воситаларни ҳаддан ташқари ва нотўғри қўлланиши оқибатида Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экология танглиги тағин ҳам чигаллашмоқда, атроф-муҳитнинг булғаниши эса хатарли даражага етди.

Бунинг сабабларидан бири хўжаликларда кимёлаштиришнинг замонавий пунктлари ва заҳарли дориларни сақлайдиган замонавий омборларнинг йўқлигидир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини кимёлаш жумҳурият бирлашмасининг темир йўл бўйларида базаларининг йўқлиги аҳволни чигаллаштирмоқда. Жумҳуриятга келтирилаётган кимёвий ўғитларнинг ярмидан кўпроғи темир йўл бўйларидаги очиқ майдонларга тўкилмоқда. Жиззах вилоятида 200 минг тонна ўғитнинг ҳаммаси худди шу «усул» билан ғамланмоқда. Ёғин-сочин бу ўғитнинг бир қисмини ариқ ва зовурларга оқизиб, атроф-муҳитни баттарроқ булғатмоқда. Қорақалпоғистон МЖ, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ўғитларни сақлашнинг аҳволи бундан яхши эмас.

Омборларнинг йўқлиги фақат экология вазиятига эмас, кимёвий воситаларни қўлланишнинг иқтисодий самарадорлигига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Шуни айтиш кифояки, ғўзага солинган ўғитнинг деярли 40 фоизи ҳосилга таъсир қилмайди, ҳолбуки улар харажат қаторига киради.

Тупроқни текшириш натижалари жумҳуриятнинг кўп ноҳияларида унумдорлик камайиб бораётган шароитда деҳқончилик қилинаётганлигини кўрсатмоқда. Сўнгги йигирма йил ичида тупроқдаги гумус (чиринди) миқдори 1,1 фоизга тушиб қолди. Бу бутун мамлакатимиздаги энг паст кўрсаткичдир. Ҳозирги вақтда пестицидларни сақлаш ва улардан фойдаланиш энг ўткир масала бўлиб турибди, пестицидларни, шу жумладан, гербицидларни, дефолиантларни ва олтингугуртли дориларни сарфлаш суғориладиган ҳар гектар ер ҳисобига 11,6 килограммга етди. Шу билан бир вақтда ўсимликларни ҳимоя қилиш биологик усулининг имкониятларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Ниҳоят, комиссияда учинчи масала сифатида яқин-яқинларгача овоз чиқариб айтилмайдиган масала муҳокама қилинди. Бу жумҳуриятда виночиликнинг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги масаладир.

Сўнгги беш йил ичида ичкиликбозликка қарши тадбирларни амалга оширишдаги ортиқчаликлар натижасида жумҳуриятда узумчилик ва виночиликка катта зарар етганлиги таъкидланди. Янги токзорлар барпо этиш ва эски токзорларни янгилашга маблағ сарфлаш тўхтатиб қўйилди, узумнинг ноёб навлари йўқолиб кетди, ҳосилдорлик кескин камайди.

Натижада ўтган йили 1984 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш деярли 1 миллиард сўмлик қисқарди, бюджетга ажратмалар эса 4,4 миллиард сўм камайди. «Мадера», «Херес», «Алеатика» ва бошқа винолар тайёрлаш тўхтатиб қўйилди. Вино тайёрланадиган маҳсулотларнинг учдан икки қисми ярим тайёр маҳсулот сифатида жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетилмоқда.

Ҳозир «Ўзбекистон» жумҳурият бирлашмаси виночилик саноатини тиклаш ва унинг ишини тубдан яхшилаш учун ташкилий ва техникавий тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирларда узумнинг қимматбаҳо винобоп навлари майдонларини кўпайтириш, узумни қайта ишлаш ва сақлаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва бошқа кўпгина жиҳатлар кўзда тутилган.

Виночилик саноатини қайта тиклаш ва унинг ишини тубдан яхшилаш дастури умуман жумҳурият учун ҳам, деҳқончилик саноат комплекси учун ҳам катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга моликдир. •

(ЎзТАГ).

Дўстлик сарҳад билмайди

ДЎМБИРА—КОНЦЕРТ ЗАЛЛАРИНИНГ БЕКАСИ

УЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ССЖ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Айтишларича, бирор халқни яхшироқ билиб олиш учун унинг қўшиқларини тинглаш керак экан. Ўзбекистонда бошланган Қозоғистон ССЖ маданияти кунлари дастурида айни шу қўшиқлар анчагина жой олган.

Тошкент қардош жумҳуриятнинг дастлабки элчиларини хушнудлик билан кутиб олди. Чилонзор ноҳиясидаги Улуғбек номли боғ меҳмонларга ўз ижодларини, халқ ҳунармандчилиги буюмларини намойиш этишлари учун бу ерга миллий маданият марказлари вакилларини ҳам таклиф қилди.

Аттракционлари, кўллари, саҳна майдончалари бўлган бу истироҳат гўшаси 22 гектар майдонга жойлашган. Шу куни бу ерда одам жуда гавжум бўлди. Асосий саҳнада ёш скрипкачилар куйлар чалишди. Улардан кейин елпиғичлар билан корейсча рақс ижро этилди, сўнг ўзбек лирик куйи янгради. Боғга кириладиган асосий дарвоза олдида бу ерга келувчиларни тожик созандалари кутиб олишди. Уйғур маркази ажойиб фольклор номерларини кўрсатди. Унинг ёнгинасида баянчи қувноқ татар куйларини чалиб турди.

— Одамларнинг ана шундай бевосита мулоқоти, миллий маданиятлар кўриги ҳар қандай баландпарвоз гаплардан қимматлироқдир, — деб ҳисоблайди боғ директори Б. Султонов. Бундай байрамлар унинг ташаббуси билан анъанага айланмоқда — шундай байрамлар бу боғда учинчи марта ўтказилмоқда.

— Биз катта байналмилал оила ҳузурига келганимиздан хурсандмиз, — деди Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, қозоғистонлик меҳмонлар маданий дастурининг бадиий раҳбари Габидин Туякаев. — Ўз миллий санъатимизни ана шундай доирада намойиш этиш биз учун икки баравар ёқимлидир.

Меҳмонларнинг чиқишларини ака-ука дўмбирачи Қудайбергеновлар очиб беришди. «Қўшиқ нима ҳақда?» — деб сўрадим мен Тошкентдаги қозоқ маданияти марказининг вакили Усен Умирзоқовдан. «Абадий нарсалар — муҳаббат ва садоқат ҳақида, одам қаерда бўлмасин, қадрдон ўлка, ватан кенгликлари унинг учун энг азиз тушунчалар бўлиб қолаверишн тўғрисида», — деб жавоб берди у.

Қозоғистон маданияти кунлари иштирокчиларининг мусиқий ижро мундарижасида «Сазген» ва «Адирма» этнографик дасталари ижросидаги қадимий қўшиқлар ҳам бор эди. «Олтиной» дастаси ижро мундарижасида эса маросим рақслари ва композициялари жой олди. Бошқа ижрочилар — Қозоғистонда хизмат кўрсатган артистлар, Бутуниттифоқ ва жумҳурият конкурсларининг лауреатлари ҳам самимий кутиб олинди. Учрашув иштирокчиларидан бири — Оқжўл Меербеков учун тошкентликлар ҳузуридаги чиқиш ўзига хос ижодий ҳисобот бўлди. Чунки у шу шаҳарда мусиқий таълим олган эди. Олмаотада бўлиб ўтган «Осиё овози» халқаро конкурс-фестивалида эса у соврinли ўринни эгаллади.

Қозоғистонлик дўстларнинг бой дастури СССР халқлари дўстлиги саройи саҳнасида давом эттирилди. Ўрта Осиёдаги энг катта бу концерт залида қардош жумҳурият санъат усталари тўрт марта концерт бердилар.

Дўстлик байрамининг мусиқий эстафетаси Тошкентдан кейин Ўзбекистоннинг бошқа жойларига ўтади — у Тошкент, Сирдарё, Бухоро вилоятларида ва Қорақалпоғистонда давом этади. Қозоқ миллий чолғу асбоби — дўмбира ўн кун мобайнида концерт заллари ва майдончаларининг бекаси бўлади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ТЕРИМ БОШЛАНДИ

Урганч ноҳиясидаги Калинин, Ленин номли, «Пахтакор» жамоа хўжаликларининг меҳнаткашлари пахта теримини бошладилар. Пахта экадиган барча хўжаликлар, тайёрлов пунктлари ва пахта заводлари теримга жуда пухта тайёргарлик кўрдилар. Бир ярим мингта пахта териш машинаси, тракторга уланадиган юк аравалари шай қилиб қўйилди. Қишлоқ йўллари, кўприклар ремонтдан чиқарилди. Теримчилар учун етарли даражада этак сотиб олинди.

Бу йил терим сифатига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда теримчилар ва «зангори кемалар»нинг ҳайдовчиларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Бу йил хоразмлик пахтакорлар давлатга камида 320 минг тонна хом ашё сотишни режалаштирмоқдалар. Бу ўтган йилга нисбатан 40 минг тонна кам демакдир. Деҳқонлар олий навли тола олиш билан камайган ялпи ҳосил ўрнини қоплашга қарор қилдилар.

ШАЙ ТУРИШИБДИ

Чинобод пахта заводи «Гулистон» тайёрлов пунктининг жамоаси янги ҳосилни қабул қилиб олишга аъло даражада тайёргарлик кўрганлиги таъкидланди. Мавжуд бино ва иншоотлар ўз вақтида таъмирланганлиги, қўшимча бостирмалар ва пахта тойлари тўпланадиган майдончалар қурилганлиги натижасида ҳосилни учдан бир баравар кўпроқ қабул қилиш имконияти пайдо бўлди. «Гулистон» тайёрлов пункти бу йил Ленин номли ва «Социализм» жамоа хўжаликлари далаларида етиштирилган тўрт минг тоннага яқин пахта хом ашёсини қабул қила олади.

Бу мавсумда ўтган йиллардан фарқли ўлароқ тайёрлов пункти ходимлари ва ўз ҳосилини олиб келиб топширадиган хўжаликларнинг механизаторлари учун кўнгилдагидек шарт-шароит яратиш мақсадида кўп иш қилинди. Дам олиш хоналари, чойхона, чоғроқ кутубхона, телевизор ва радиоприёмниклар улар хизматида.

Ёрдамчи хўжалик далаларида токзорлар, мевазор боғ, ёнғоқзор, сабзавот ва полиз учун ажратилган далалар бор. Бу ердан йиғиштириб олинган маҳсулотлардан жамоа ўзининг тушлик овқатида фойдаланади.

ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШМОҚДА

Сурхондарёда ҳаммадан ҳам илгари янги ҳосилни қабул қилишга киришган Москва тайёрлов пунктида дастлабки пахта тойлари тайёрлана бошлади. Бу ерга Қумқўрғон ноҳиясининг «Москва» жамоа хўжалигидан қўлда териб олинган дастлабки ўнлаб тонна хом ашё олиб келинди.

Бу йилги мавсумда вилоятда 450 минг тонна пахтани қабул қилиш режалаштирилган. Лекин ҳосилни чўғи ушбу рақам бундан анча кўп бўлишини кўрсатиб турибди. Худди шу нарса тайёрлов пунктларини мавсумга шай қилишда эътиборга олинди. Улар қўшимча равишда 40 — 50 минг тонна хом ашёни қабул қилиб олиш имкониятига эгадирлар.

ДАМ ОЛИШНИ ҲАМ УНУТМАДИЛАР

Узбекистон пахта заводи янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёр. Завод жамоаси ўз кучи билан ускуналарни тайёрлади, хоналарни ремонтдан чиқарди. Ходимларга на фақат меҳнат қилиш, айни вақтда яхши дам олиш учун ҳам қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилди. Заводда душхоналар, сауна қурилди, дам олиш хоналаридаги анжомлар янгиланди. Ҳосилни қабул қилиб олиш мавсумида барча сменаларга иссиқ овқат бепул берилади. Бунинг учун ёрдамчи хўжалик маҳсулот етказиб беради. У ошхонани сут, қатиқ, гўшт ва сабзавот билан таъминлайди.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИГА

«Баҳор» ўзбек халқ рақс дастаси бу йил куз фаслида пахта далаларига бориш режасини тузди. Раққосаларимизнинг дастлабки учрашувлари Тошкент вилоятининг Чиноз ноҳиясидаги хўжаликларда бўлади. «Қизил Октябрь» жамоа хўжалигининг раиси Баҳодир Ҳасанов дастага «шахсий» таклифнома юборди. «Баҳор»нинг концертлари бу ердаги янги маданият уйида бўлади.

— Дастамизнинг дастури ҳар қачонгидек ранг-баранг, — дейди «Баҳор» директори К. Бердиев. — Унда кўҳна классик рақслар ҳам, замонавий хореография композициялари ҳам жам бўлган. Томошабинларга уларнинг ўзлари ёқтириб қолган таниш рақслар ҳам, янги рақслар ҳам кўрсатилади. Даста жонажон ўлка бўйлаб саёҳатга ўзининг бадиий раҳбари — жумҳурият халқ артисткаси Маъмура Эргашева билан бирга чиқади.

Сирдарё вилояти Гулистон ноҳиясида «Ёш ленинчи» кунлари

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Халқимиз ўзининг меҳнаткашлиги билангина эмас, балки хотамтойлиги ва меҳмоннавозлиги билан ҳам маълум ва машҳурдир. Қайси бир ўзбек хонадонининг эшигини тақиллатманг, уй соҳиби ёки бекаси ҳамиша очиқ чеҳра билан қаршилайди, бир пиёла чойга таклиф этади.

Гулистон ноҳияси «Гулистон» рўзномаси жамоасининг, комсомол қўмитаси ҳамда кўнгилли физкультура ва спорт жамияти касаба уюшмасининг таклифига мувофиқ «Ёш ленинчи» рўзномаси жамоаси ва унинг «Ижодкор» футбол командаси 7-8 сентябрь кунлари ноҳияда бўлишади, меҳнат жамоалари ва мактаб ўқувчилари билан учрашадилар, оммавий халқ сайлида қатнашадилар, ўзларининг келгусидаги иш режалари билан муштарийларни таништирадилар.



Хўш, мезбонларнинг учрашув ҳақидаги фикрлари қандай?

Носиржон Шокиров, «Гулистон» рўзномаси муҳаррири:

— Ёшлар билан учрашиш, йигит-қизлар билан севги ва оила ҳақида, турли мавзуларда суҳбатлашиш, ниҳоятда ёқимлидир. Ўйлайманки, «Ёш ленинчи» жамоаси билан бўладиган ўзаро мулоқот ноҳиямиз ёшлари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Менинг ёшим 50 дан ошиб қолди. Лекин бирон марта ҳам жумҳурият марказий рўзнома ва ойномалари жамоалари вакилларининг ноҳиямиз меҳнаткашлари билан учрашувлар уюштирганларини эслай олмайман. Ёшлар рўзномаси вакиллари билан бўладиган бевосита мулоқот уюшқоқлик, ишчанлик ва ўзаро ўртоқлик руҳида ўтади. Бу учрашув ҳам журналистларга, ҳам ноҳиямиз меҳнаткашларига катта фойда келтириши шубҳасиз. Рўзнома билан оддий меҳнаткашлар ўртасидаги дўстлик алоқаси янада мустаҳкамланади.

Айни кунда гулистонликлар меҳмонларни қаршилашга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Учрашувлар ўтказиладиган хўжаликлар аниқланмоқда. Суҳбат мавзулари танланаётир. Футбол мусобақасида кимлар қатнашади-ю, кимлар иштирок этмаслиги қизғин баҳс ва мунозарага сабаб бўлмоқда.

Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

СУРАТДА: (чапдан) ноҳия «Гулистон» рўзномаси муҳаррири Носиржон Шокиров, кўнгилли физкультура ва спорт жамияти касаба уюшмаси раиси Тоҳир Отабобоев, комсомол қўмитаси иккинчи котиби Абдумалик Анорқулов ва ёш журналист Рустам Содиқовлар бўлажак учрашув ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Е. БОТИРОВ суратга олган.

Улардан ибрат олинг

ДЕҲҚОН ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ДЕҲҚОННИНГ бошқалардан қаери кам? Унинг елкасига фақат зилдай кетмону, оёғига бесунақай, оғир этик битилган холосми? Умуман, деҳқон учун турмуш тарзи фақат эртаю-кеч адоғсиз меҳнату, дунё — унинг бир парча даласими?..

Шоирнинг изтиробли сатрлари ёдга тушади, «Ота, не кўрдингиз даладан бўлак?», деган. Бу сатрлар муаллифи эҳтимол елкасидан бир умр кетмон тушмаган ҳоксор деҳқоннинг фарзандидир. Лекин Мамадиёрнинг фарзандлари ўз оталари ҳақида мискин ўйлашмайди. Аксинча — дадамиз ундай, дадамиз бундай, деб оталари билан гурурланишади. Ким экан у Мамадиёр? У ғалати шахс: бир кўринишда оддийдек, лекин аслида мураккаб, бир кўринишда мураккабдек лекин икки оғиз сўзлашгандан оддийгина йигит. Тушунмадингиз-а? Очиғи, илк танишганимизда мен ҳам тушунолмаган уни. Биринчи бор, Москвада учрашгандик. Бутуниттифоқ комсомолининг XXI съездида. У съезд делегати эди. Мана, ордан тўрт ой ўтаптики, съезднинг ҳар бир куни, ҳар бир соати сира кўз ўнгимдан кетмайди. Уйқусиз тунлар, беадоғ, эҳтиросли баҳслар... Худди инқилоб давридагидек. Комсомолнинг тақдири — ёшлар ташкилотининг келажаги учун кураш авжига чиққанди, ўшанда. Қисқаси, юзага келган қалтис вазиятдан кўнгиллар хотиржам эмасди.

Ана шундай кунларнинг бирида у мени «Россия» қўнимгоҳидаги хонасига чойга таклиф қилди. Гўё ҳеч нарса бўлмаётгандек, хотиржамгина гапиришидан кўпинча сув босса тўпиғига чиқмайдиганлардан экан, деб ўйладим. Бир вақт телефон жиринглаб қолди. Қишлоқдагилар билан гаплашишга буюртма берган экан. Ким биландир ярим соатча гаплашди. Съезд иши ҳақида ипидан игнасигача сўзлаб берди. Кейин хўжаликдаги, жамоасидаги ишлар ҳақида сўради. Қишлоқдаги янгиликларни, дала ишларини қандай кетаётганлигини вужуди қулоққа айланиб эшитди.

«Йўқ, боқибеғамлардан эмас экан», деган ўй алмашди аввалгиси билан. Шу ерда туриб даласи ҳақида қайғураяптими, у ёқдаги янгиликлар, ҳатто об-ҳаво билан ҳам астойдил қизиқаяптими, демак, бу ерга шунчаки — ҳавасга келмаган.

Хонасидан чиқиб кетаётганимда таклиф қилди:

— Эртага кечқурун тушинг (бизнинг хона бир қават юқорида эди), Иван Кожедуб келади, гурунглашамиз...

— Йўғе?..

БРИГАДИРНИНГ МАРШАЛ ДЎСТИ

ЭРТАСИГА кечки пайт кутилган вақтда уч марта Совет Иттифоқи қаҳрамони СССР халқ депутати, Совет Иттифоқи авиацияси Маршали — Иван Никитович Кожедуб келди. Жуда очиқ кўнгил, самимий киши экан. Бир зумда эски қадрдонларга айланиб кетдик. Ўқувчилик йилларимда унинг «Ватанга садоқат» номли таржимаи ҳол китобини ўқигандим ва шунинг учун ҳам афсонавий қаҳрамон ҳақида оз бўлса-да, билардим. Ҳозиргача бу китоб 21 марта қайта чоп этилибди.

Иван Никитович комсомол съездига фахрий меҳмон сифатида таклиф этилганди. Съезднинг биринчи куни ўз ишини тугатгач, жуда кўпчилик билан уни қуршаб олиб, дастхат ёзиб беришини сўрашган. Улар орасида Мамадиёр ҳам бор эди. Барча дастхат ёздириш билан кифояланган. Мамадиёр эса «оқсоқол»ни меҳмонга (ўзбекнинг удумида) таклиф қилган. Иван Никитович хурсанд бўлиб «эртага албатта келаман», дебди.

Бир донишманд «барча буюк одамлар камтар бўлишади», деган экан. Иван Кожедуб билан суҳбатимиз чоғида бу фикрнинг нақадар тўғрилигига яна бир бор ишондим.

Кекса меҳмоннинг ёшлар ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Баъзан айрим ёшлардан «кексалар яшашимизга ҳалал беришади, деган гапларни эшитамиз. Оғир ботади кишига. Съезд ишини кузатиб шундай фикрга келдимки, ёшлар орасида сафсатабозлар анча кўпайибди. Ҳар хил таъсирларга берилувчанлар ҳам талайгина.

Умуман олганда билимга ташналик, изланувчанлик ва курашувчанлик каби яхши хислатлар ҳам кўп уларда.



Маршалдан оиласи ҳақида сўраймиз.

— Рафиқам, ўғлим, қизим ва набирам (ўғлимнинг қизи) бор. Ўғлим ҳарбий хизматчи. Йўқ, йўқ, менга ўхшаб учувчи эмас. Денгизда — сув остида хизмат қилади. Набирам — Аничкани жуда яхши кўраман. У туғилмасдан бурун яъни келинимиз ҳомиладорлигида ўғил туғилади, деб аввалдан Ваничка деб исм ҳам топиб қўйгандик. Қаранг, қиз туғилди. Ваничкамас — Аничка бўлиб қолди.

У бошда ярим соат ўтирамиз деганди. Ярим соатларнинг уч-тўрттаси ўтди ҳамки, суҳбатимиз тугамади. Хайрлашиш олдидан уни юртимизга — Ўзбекистонга таклиф қилдик.

— Кўзда албатта боришга ҳаракат қиламан.

Сураткаш мухбиримиз Еркабой Ботиров ҳам шу ерда эди. Фурсатдан фойдаланиб Иван Никитович билан эсдаликка суратга туширди.

«МЕН ОДДИЙ ДЕҲҚОНМАН»

деганди, Мамадиёр Нуралиев ўзини таништириб. Лекин кўриниши деҳқонга сира ўхшамасди. Шаҳарлик зиёлилардек башанг кийинган. Ўзини тутиши-ю, гап-сўзларигача зиёлинамо. Қисқаси, даласига бир бориб кўргим келди, қандай деҳқонлигини.

У ҳақдаги барча жумбоқли саволларимга ўша ерга — Жиззах вилояти Октябрь ноҳиясидаги Ф. Хўжаев номли давлат хўжалигига борганимдан сўнг жавоб топгандай бўлдим. Мамадиёр етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар пахтачилик жамоасида бўлиб, хўжаликнинг, жамоанинг меҳнат аҳли билан яқиндан танишиб, суҳбатлашдим.

Мамадиёр аввал Сирдарё педагогика институтининг математика факультетини тамомлади. Бир неча йил ўрта мактабда математика муаллими бўлиб ишлади. Лекин нимадандир кўнгли тўлмасди. Нимадир сира тинчлик бермасди унга. «Ўзбекистонда ҳамма пахтакор» деган шиор қишлоқлар тугул ҳатто Тошкентнинг энг марказий жойларига ҳам осиб қўйиларди. Бошқа шиорларни билмадиму, аммо бунисига қатъий амал қилинар эди. Айниқса, қишлоқ мактабларида. Баҳорда қатқалоқ, ёзда чопиқ, ўтоқ, кузда эса пахта терими. Яхшиямки, қишда пахта етиштиришнинг имкони йўқ...

Демоқчи бўлганим, Мамадиёр ҳам бошқа ўқитувчилардек ярим муаллим ва ярим пахтакор эди. На унисимас, на буниси. «Деҳқончилик билан шуғуллансаммикан-а?» Савол қатъий қарорга айланди. Бир мунча вақт хўжаликда ҳисобчилик қилди. Хўжалик ишларини, деҳқончиликни ўрганди. Қараса иш чатоқ. Муаллимлик дипломи билан ерни «тарбиялаб» бўлмас экан. Ҳеч бўлмагандан кеч бўлган яхши деб, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг сиртқи бўлимига ҳужжат топширди. Омади чопиб, толиб бўлди. Ҳисобчилик — деҳқончилик эмас. Мамадиёр ер билан сирлашмоқчи, нималарга қодирлигини амалда синамоқчи бўлди. «Мард бўлсанг, анави тоғ этагидаги тўқайзор ерни «одам» қил!» Бу кўплар учун қилиб бўлмайдиган иш эди. «Майли, яхшиси мард бўлмай қўя қолай, «оч қорним — тинч қулоғим», десинми? «Тўқайзор бўлса, тўқайзорда. Лекин чекиниш йўқ!»

Шунга ҳам уч йил бўлди. Ўшанда у ўн тўрт нафар ёшлардан иборат жамоа тузди. Комсомол — ёшлар жамоаси. На хўжалик ва на ноҳия раҳбарлари олдида Мамадиёрнинг юзи қизаргани йўқ. Ўтган икки йилда ҳам белгиланган режалар ортиғи билан адо этилди. Бу йилги ҳосил нишоналари ҳам умидли.

— Режалар-ку, бажарилаяптия, — ёрилди Мамадиёр, — аммо мени бошқа нарса ташвишга солиб келади: деҳқонларимизнинг ҳокисорлиги. Алам қиладигани шуки, деҳқон ҳаммани тўйғизиб, ҳаммани кийинтиради-ю, лекин ўзи на тузукроқ еб-ичади на тузукроқ кийинади. Нима, деҳқоннинг чекига камбағалликдан бошқа нарса тушмаганми? Яқинда «Муштум»-да бир расмга ёзилган изоҳсўз диққатимни тортди. СССР бўйича деҳқонларнинг ўртача иш ҳақи 200 сўмга яқинни ташкил этаркан. Жумҳуриятимизда эса 40 сўмни.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги фарқ ер билан осмончадек, ишчи билан деҳқон ўртасидаги фарқ бундан кам эмас.

Мамадиёр етакчилик қилаётган жамоада Абдураҳмон ака Отабоев деган киши бор. Асл деҳқон. 1949 йилдан буён далада ишлайди. Ҳозир сувчи. Индамайгина ғўзаларга сув тараб юрган бу оддийгина инсоннинг ҳам ичида талай дарди бор экан.

— Кўп ёзасизлар-у, аммо бизга ҳеч нафи бўлмаяпти-да ука,— Абдураҳмон ака истар-истамас гап бошлади. — Деҳқоннинг косаси ҳеч оқармади-оқармади-да. Юқоридагилар қўққисдан қайта қуриш бошлаб юборишганда, «халқ, халқ!» деган хитобларни эшитганимизда анча суюнгандик. Шунга ҳам беш йилдан ошди. Лекин сезиларли ўзгариш йўқ. Қишлоқ хўжалик корхоналарига сотиладиган техника, минерал ўғит ва бошқаларнинг нархи икки баробар ошди. Лекин пахтанинг давлат томонидан сотиб олиш баҳоси деярли ўзгармасдан қолаяпти.

— Қанча ойлик оласиз? — сўрайман сувчидан.

— Ойлик бизда ўзгариб туради. Баъзан 200, 140 , пахта терими даврида эса 60 сўмдан ҳам тушмайди. Пахтани пахта қилгунча она сути оғзимиздан келади. Фақат. ҳосилни йиғиб-териб олишда сувчи унчалик керакмас.

У кишидан Мамадиёр ҳақида сўрадим:

— Уч йил аввал бу ерларга келишга одамнинг юраги дов бермасди. Ҳозир эса хўжаликнинг энг унумдор ерига айланди. Умрим деҳқончилик билан — далада ўтяптию, лекин Мамадиёрнинг ғайратига, журъатига қойилман. Ёш бўлса ҳам дунёнинг ташвишларини орқалаб юради. Тиниб-тинчимас. Бир ишни қиламан, дедими — қилади. Барчага баробар. Ишқилиб худо омадини берсин.

Ижара пудратининг фойда-зиёни ҳақида сўрадим Мамадиёрдан.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида ижара пудратига ўтиш деҳқонлар учун ҳам яхши. Лекин пахтанинг давлатга сотиш нархи оширилмас экан, бу ижара пудрати ҳам кўнгилдагидек натижа бермайди. Фикримча пахтачиликда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари учун ишлаб чиқилган агротехника нормативлари жуда эскирган. Бу деҳқонларнинг моддий манфаатдорликларини оширишга жуда халақит беради. Қишлоқда ишлаётган кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун уларнинг оладиган маошларини бир неча баробар кўпайтиришимиз лозим.

ИШНИНГ КЎЗИ ҚАЕРДА?

Одатда бир ишни қойиллатган кишидан «қандай қилдингиз», деб сўрасангиз, ҳазил билан «ишнинг кўзини билиш керак», деб жавоб қилади. Мамадиёр учун ишнинг кўзи — аввало пухта билим, куч-ғайрат.

— Гуржи халқида «Илоҳо орзуларимиз имкониятларимизга монанд бўлсин» деган калом бор экан. Бунда катта маъно яширин. Жумҳуриятларнинг хўжалик ҳисобига ўта бошлаши миллий иқтисодиёт ҳақида жиддий бош қотиришга туртки берди. Шу боис иқтисодиёт муаммолари ҳозир нақадар долзарблиги барчамизга аён. Ўзбекистонимиз азал-азалдан деҳқончилик ўлкаси. Демак, деҳқончилик ўзбек учун бобокалонларимиздан қолган касб. Аммо гарчи биз 70 йилдан зиёд вақтдан бери синфсиз жамиятда яшаб келаётган бўлсакда, деҳқонларга энг қуйи табақа сифатида муносабатда бўлинди. Бу уларнинг меҳнатини қадрламасликдан, назарга илмасликдан бошқа нарса эмас. Бундан ташқари деҳқон хизматига белгиланган пул миқдори ҳам ўта паст. Мисол учун ҳозир айтайлик, қишлоқ шўросининг раиси 400 сўмдан ортиқ маош олади. Яна унинг дам олиш куни ҳам бор. Деҳқончи? У биринчидан, иш соати чекланмаган ҳолда, иккинчидан, дам олиш кунисиз ва асосийси қишлоқ шўроси раисига нисбатан ўрта ҳисобда уч баробар кам ҳақ олади. Қани бу ерда адолат?

Шунинг учун мен деҳқон меҳнатига муносабатни тубдан ўзгартириш тарафдориман. Моддий таъминот эҳтиёждан паст бўлган жойда истайсизми — йўқми қонунбузарлик, ташмачилик бўлаверади. Шу ўринда очиғини айтиш керак: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб кетилиши туфайли давлат йилига миллионлаб зарар кўрмоқда. Иккинчи асосий масала: деҳқончиликни оддий қора ишдан ардоқли касб даражасига кўтаришимиз зарур. Ҳосилдорликни ошириш, иқтисодиётни яхши йўлга қўйиш учун саводли, билимли деҳқонлар бўлиши керак. Завод ва фабрикаларнинг ишчи — хизматчиларига яратилган имтиёзлар деҳқонларда ҳам бўлиши лозим. Уларга иқтисодий, сиёсий билимларни беришдан қизғанмаслик керак. Аксар миллатдошларимиз сиёсий-иқтисодий воқеликлардан, курашлардан четланиб қолишган. Бу озчиликни кўпчилик устидан ҳукмронлигига кенг йўл очиб берди. «Катта» нима деса шу» деган тушунча ана шу четлатишнинг маҳсули. Халқ қанчалик саводсиз бўлса, унга ҳокимлик қилиш, уни алдаш — лақиллатиш шунчалик осон бўлади. Бу энди эскича ақида. Бугун омманинг билимсизлигидан ҳеч ким манфаатдор эмас. Чунки буйруқ, фойдасиз қарорлару дўқ-пўписалар билан иш юритадиган даврлар аллақачон ўтиб кетган.

—Муаммолар, қилинадиган ишлар кўп, — дейди бригадир ўйчан ҳолда. — Аммо юртда тинчлик бўлса, булар ҳеч гап эмас. Мени халқларимиз ўртасидаги миллий низолар, ўринсиз қон тўкишлар қаттиқ ташвишлантиради. Бундай можаролардан фақат халқ азият чекади, миллатнинг шаънига доғ тушади, холос. Аслида барчанинг истаги бир — яхши, фаровон яшаш. Мамлакатдаги иқтисодий танглик, етишмовчиликлар, камёбликлар кишиларни баджаҳл қилиб қўйди. Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик, қардошлик ришталари нафислашиб қолди. Бунинг устига оловга керосин қуйилди, яъни халқлар ўртасидаги низолардан манфаатдор бўлган шахслар, гуруҳлар ҳам бор. Кўпинча оддий одамлар, ёшлар ана шундайларнинг кушандасига айланиб қолишаяпти. Уруш-жанжал билан ҳеч қандай муаммони ҳал қилиш мумкин эмас: Аксинча биров қурбон, бўлади, бошқа биров қотилга айланади. Охир оқибатда одамлар ўртасида муроса қочади. Бир-бирларига нисбатан душманлик туйғулари кучаяди. Кейин уларни муросага келтириш, ўртада дўстлик, қардошликни барқарор қилиш учун эҳ-ҳе, озмунча вақт, куч керак бўлади, дейсизми?

Яқинда Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг Олмаотадаги учрашувлари айни муддао бўлди. Тинчлик — тотувлик бўлмаган жойда бошқа нарсаларни бўлдириш мумкин эмас. Барча куч-қувватларимизни халқ турмушини яхшилаш, фаровонлигини ошириш учун сарфлашимиз керак. Энг тўғри йўл шу.

— Эндиги режалар қандай? — сўрайман Мамадиёрдан.

— Ишлаш, ўқиш! — қисқа жавоб қилди у.

— Қўшалоқ дипломингиз бўлса, яна қандай ўқиш? — қизиқсиниб сўрайман.

— Бу йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомладим. «Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили ихтисослиги бўйича диплом олдим. Энди аспирантурада билимларимни пухталаштирмоқчиман. Ишдан ажралмаган ҳолда албатта.

— Вилоят комсомол қўмитасининг бюро аъзоси, ноҳия фирқа қўмитаси аъзосисиз. Яна вилоят шўроси депутатисиз. Шунча ташвишлар ортиқчалик қилмаяптими?

— Асло! Аксинча, қайноқ ҳаёт ичига кирганинг сари тобланаверар экансан киши. Ишларинг режали, баракали бўлаверар экан...

Ўзбек деҳқони. У қандай бўлиши керак? Бир нарсага ҳайронман: Мамадиёр деҳқонми ёки зиёлими? Балки аслида ҳам шундай бўлиши керакдир?..

Ҳайдар АКБАР,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Хорижден хабарлар

Телетайп лентасидан

⊙ ПРАГА. Чехословакия — Польша бирдамлиги уюшмаси чеклаб қўйилган чегара алоқалари тезда янгиланишини, саёҳат қилиш учун шу вақтгача зарур бўлган таклифномалар ва бошқа маъмурий тўсиқлар бекор этилишини, шунингдек, Польша билан ЧСФЖ ўртасидаги назорат-ўтказиш пунктларини анча кўпайтиришни талаб қилиб чиққан эди. ЧСФЖ президенти Вацлав Гавел бу талабларни қўллаб-қувватлади. У якшанба куни Крконошда «шимолий Чехия»га Помездна Боуда чегара участкасида бўлган қўшма намойишда сўзга чиққан эди.

Мен шу қадар яқин мамлакатларни, шу қадар яқин халқларни бир-биридан ажратиб турган темир парда иложи борича тезроқ бутунлай олиб ташланишини хоҳлаётган кишиларни қўллаб-қувватлайман, деб ишонтирмоқчиман. Бу барчамизнинг манфаатларимизга мос бўлиб тушади, деди Вацлав Гавел.

⊙ ВАШИНГТОН. АҚШ конгресси раҳбарияти Америка ва Совет президентлари халқаро ва икки томонлама муаммоларни, шу жумладан, Форс кўрфази минтақасидаги вазиятни муҳокама қилиш учун 9 сентябрь куни Хельсинки шаҳрида олий даражада амалий учрашув ўтказиш хусусида келишиб олганликларини жуда ўз вақтида қабул қилинган ҳамда умидбахш тадбир, деб қабул қилди.

«Мен ҳозирги вақтда олий даражада учрашув ўтказишга қарор қилинганлиги оқилона иш бўлди, деб ҳисоблайман, деди конгресс вакиллар палатасининг спикери Томас Фоли (Вашингтон штатидан сайланган демократ) Си-би-эс телевидениесининг «Миллат билан юзма-юз» программасида 2 сентябрь куни сўзлаган нутқида. — Мен Форс кўрфазидаги тангликни бартараф этиш юзасидан ҳамкорлик қилишни муҳокама этишгина эмас, (бу ўз-ўзидан диққатга сазовор) айни вақтда келажакда биргаликда сарфланадиган куч-ғайратлар муайян шароитда қандай бўлиши хусусида олдинга назар ташлаш имкониятига эга бўлиш президент Буш учун ҳам, президент Михаил Горбачев учун ҳам муҳимдир, деб ҳисоблайман. Бу соҳада икки буюк давлат ўртасидаги ҳамкорлик халқаро муносабатларда мутлақо янги ва ғоят ижобий омил бўлади».

Фоули Конгресс Америка президентининг Яқин Шарққа нисбатан ҳозирги йўлини қўллаб-қувватлаётганлигини ва биринчи навбатда «иқтисодий тазйиқ чоралари ҳамда дипломатик куч-ғайратлар» амал қилишини хоҳлаётганлигини таъкидлади.

Президент Буш ўзининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Брент Скоукрофт ва яқин маслаҳатчилари билан биргаликда якшанба куни кенгашиб олди. Бу кенгаш шу йил 9 сентябрда «Хельсинки шаҳрида СССР президенти Михаил Горбачев билан бўладиган учрашувга тайёргарлик доирасида ўтказилди.

Президентнинг матбуот котиби Марлин Фицуотер журналистларга шундай деди: Финляндия пойтахтидаги учрашувда иккала раҳбар Яқин Шарқ минтақасидаги вазиятни, сайёрамизнинг бошқа «оловли нуқталаридаги», масалан, Камбоджа ва Афғонистондаги аҳволни, шунингдек, Европада оддий қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида шартномага эришишга доир музокараларни тезлаштириш йўлларини муҳокама қиладилар.

⊙ НЬЮ-ЙОРК, Американинг шимоли-шарқий штатларидаги кўпчилик сайловчилар президент Бушнинг Форс кўрфазидаги тангликни бартараф этиш борасидаги ҳаракатларини маъқуллайдилар, лекин у ерда урушишни хоҳламайдилар. Мамлакатнинг мазкур ноҳияси «Бостон глоб» рўзномаси ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб-билиш натижалари шундан далолат бермоқда.

Савол-жавоб натижаларига кўра, унда қатнашган кишиларнинг 71 фоизи Ироқ армияси Қувайтга бостириб кирганидан сўнг АҚШ президенти Ироққа нисбатан қўллаган тадбирларни ижобий баҳолади. Американинг атиги 17 фоизи президентнинг ҳаракатларини ҳаддан ташқари урушқоқлик, деб баҳолади, 9 фоизи эса бунинг аксини айтди, яъни президент етарли даражада дадил ҳаракат қилмаган эмиш.

(СИТА).



Ҳозир замона қалтис. Жиноятчиликнинг турли хил турлари рекорд даражада ўсиб кетаётгани ҳаммани ташвишга солаётир. Бу биргина бизнинг мамлакатимизда эмас, балки чет элларда ҳам оммавий тус олган «касаллик»дир. Польша полиция маҳкамаларига иқтидорли ёшларни қабул қилиш бошланди. Улар махсус тайёргарликдан ўтадилар.

СУРАТДА: Варшавадаги полиция маҳкамаси қошида ташкил қилинган махсус марказ абитуриентлари қурол-яроғлар билан таништирилмоқда.

ЦАФ — СИТА сурати.

ШУ ҲАФТАДАГИ АСОСИЙ ВОҚЕАЛАР

ЧОРШАНБА, 5 СЕНТЯБРЬ.

Бонида Бундестаг ГФЖ ва ГДЖни бирлаштириш тўғрисидаги шартномани биринчи муҳокамада кўриб чиқади. У 31 август куни имзоланган ва тасдиқлаш учун иккала герман давлати парламентларига тақдим этилган.

Тампере (Финляндия)да социалистик байналмилалнинг қуролсизланишга бағишланган конференцияси очилади. У 7 сентябргача давом этади.

Венада анъанавий халқаро кузги ярмарка очилади, 9 сентябргача давом этадиган бу ярмаркада 20 дан ортиқ мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи қатнашади.

ПАЙШАНБА, 6 СЕНТЯБРЬ.

Форс кўрфазидаги танглик муносабати билан Буюк Британия парламентининг фавқулодда сессияси очилади.

ЖУМА, 7 СЕНТЯБРЬ.

Боннда Бундестаг икки герман давлатини бирлаштириш тўғрисидаги шартномани биринчи муҳокамада қараб чиқади.

Венада Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига доир музокарларда навбатдаги ялпи мажлис бўлади.

ШАНБА, 8 СЕНТЯБРЬ.

Инсбрук яқинидаги Ингльс (Австрия) деган жойда Австрия, Финляндия, Швейцария ва Швеция ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлади. Учрашувда Париж шаҳрида ноябрь ойида олий даражада бўладиган умумевропа учрашувига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинади. Учрашув 10 сентябргача давом этади.

(СИТА).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

70 ЙИЛ ҚОИДА БУЗМАЙ

● ЯҚИНДА Голландиянинг Лимбург вилоятида «Гиннеснинг рекордлар китоби»га тиркаса арзигулик воқеа юз берди. Одатдаги текширишлардан бирида полиция гувоҳномасиз ҳайдовчини ушлади. Маълум бўлишича, бу 89 ёшли қария 70 йилдан буён ҳайдовчилик гувоҳномасисиз автомобиль бошқараркан. Шунча йилдан бери полиция қўлига тушмаганлигига сабаб бирор марта бўлса-да, йўл қоидасини бузмаганлигидир.

КЎЧИРИБ ОЛИБ КЕЛИНДИ

● ШВЕЙЦАРИЯЛИК археологлар 400 тонналик улкан ерни шундоқлигича кўчириб музей очиладиган жойга олиб бордилар. Чунки бу майдонда 12 минг йил аввал қадимги овчилар яшашган экан. Майдонга ҳали ҳеч кимнинг оёғи етмаган эди.

ОЧИҚҚАНИНГИЗНИ СЕЗДИРМАЙДИ

● «ПШ-Ш-Ш...» қарабсизки, оч қолганингизни сезмайсиз. Англияда ишлаб чиқарилган «Иштаҳага қарши» аэрозоли худди шундай хусусиятга эга.

Уларнинг таъкидлашича, бундай аэрозоллар асосан парҳездаги хўрандалар учун мўлжалланган. Баллондаги аралашма ошқозонга эмас, балки киши миясига таъсир этади, натижада одам очиққанини сезмайди.

ТУНГИ ҚИРОАТХОНА

● МАЪЛУМКИ, айрим одамлар тунда ухлашолмайди. Ундайларни «бойқуш»лар ҳам деб қўйишади. Лос-Анжелесда қироатхонанинг махсус бўлими тунги соат 10 дан эрталабки 6 гача ана шундай одамлар учун хизмат қилади. Табиийки, қироатхона хизматчилари ҳам асосан «бойқушлар»дан иборат, деб хабар беради «Фан ва техника» (Булғория) ойномаси.

АМЕРИКАЛИК КЕЛГИНДИЛАР

● МУТАХАССИСЛАРНИНГ ҳисоблашларича, Европага 20 минг ўргимчак ва 40 минг бошқа ҳашоратларни Марказий ва Жанубий Америкадан банан юклаган кемалар олиб келаркан.

Лекин олимларнинг фикрича, яхшиямки уларнинг заҳарлиги оз ва уларнинг барчаси Европа иқлимига мослашолмай нобуд бўлади, дейилади «Прага» (ЧСФЖ) ойномасида.

Худо кўрсатмасин, иқлимга мослашиб кетсачи?

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Дўстлик сарҳад билмайди



Маслаҳатли тўй тарқамас.

Мухтор ШАҲАНОВ,
Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ОЙША

Ойша янгам суйган ёрин кузатди жанг майдонга...
Сўнг сиғиниб яшади аҳд-паймонга.
Уруш битди.
Шунқори, эҳ, қайтмади.
Уч йил кутди,
Беш йил кутди...
У бировга ноумид гап айтмади.
Ҳасратини ўз қалбига беркитди,
Шу орада тағин тўрт-беш йил ўтди.
Нурсиз умид оғушида дил қонаб,
Кутаверди у кун санаб, ой санаб.
Қисматидан унсиз аччиқ нола бўп,
Кўкрагида милтиларди совуқ ўт.
Жилла қурса,
Жилла қурса, худой-ов,
Ҳовурини босмоқликка фарзанд йўқ.
Умид пайваст вужудини эзди ғам.
Ёлғиз жонга ёқмас лекин кулгу ҳам.
Йўқ, бўлмади.
Йиллар ўтиб, ахийри
Турмуш қурди у бир қари чол билан.
Илк кеча у тинч ухлади
Ва бағридан гўёки
Аригандек бўлди заққум ғам-дарди...
Лекин тонгда... Эвоҳ, марҳум куёви
Деразани чертарди.
Ойша шўрлик куйди тамом бу хўрликдан ёғнриб,
Тошдек қотди,
қўрқув тилин лол қилди,
Кейин илкис сочин ёйиб юбориб,
Остонага йиқилди.
Инқилдию ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади,
Юрак бағрин тиғлади,
Ўз-ўзини қора ерга булғади.
...Асил севги — шунақадир, турланмайди лаҳзада,
Ҳижронлардан, азоблардан куйса-да...
Шу он Ойша ўрнидан бот турди-да,
Бир фикрла-чирмаб ақлу шуурни,
Тоғ тубида сапчиб ётган ғазабнок
Оқсув ёққа жон ҳалпида югурди.
Шунақадир асил севги камоли,
Шунақадир асил севги заволи...
Оқарганча ётар эди қирғоқда
У шўрликнинг тушиб қолган рўмоли...

ДИЙДОРЛАШУВ

Болалигим лавҳаларин эслаб шан,
Қашқасувнинг ёқасида турдим ман.
Гоҳи унсиз, гоҳ кўпириб серғулу —
Олдимизда оқарди у мовий сув.
Биз ҳам шундоқ асов, шаддот эдик, ҳа,
Бир маҳаллар онамизнинг бағрида.
Кунларимиз ўтарди шўх суронда,
Жанжаллашсак, ярашардик бир онда.
Биз бегона бўлиб ғараз-кинларга,
Етиб келдик шу муборак кунларга
Ўшал онлар ёдингдами, эй нигор,
Ё қалбингда қолмиш фақат гард-ғубор?
Тонг каби соф кулгунг билан сен ширин —
Кўксимда ўт ёқар эдинг яширин.
Қани ўша тотли хаёл, тотли сир,
Бари юлдуз ёғдусидек сўнмишдир.
Нечун сўнмиш? Айтолмайман мен аён.
Сўнг сочилиб кетдик бизлар ҳар қаён.
Жўшқин эди у чоғ орзу-тилаклар,
Қолди фақат хотиралар юракда.
...Болалигим лавҳаларин эслаб шан,
Қашқасувнинг ёқасида турдим ман.
Асов дарё ювиб қирғоқ бетини,
Қайларгадир ошиқарди бетиним.
Гоҳ дафъатан энтикарди тортиб оҳ,
Йиллар ёдин эслагандек банагоҳ.
Ул нигорнинг қўлларида ушбу он —
Тек турмайин бижирларди митти жон.
Мен гўдакни суймоқ бўлдим эгиб бош,
Лекин нигор мижжасида кўрдим ёш.
Ва у томчи томди биллур мавжларга,
Видолашган янглиғ қайтмас дамлар-ла.
Нимадир деб хўрсинди у ўша дам,
Бироқ буни англай олмай қолдим ман.

Қозоқ тилидан Мирпўлат МИРЗАЕВ ўгирган.



Дўстлар даврасига марҳамат.
С. МАҲКАМОВ суратлари.

Бу ҳақда илгариям ёзгандик. «Ёш ленинчи»нинг 9 август 1990 йил сонидаги «Умидсизликнинг 51-куни» мақоласида. Ваъдага биноан мавзуга қайтмоқдамиз.

НЕГА ИСЁН қиладилар? Жонидан тўйгандами? Йўқ! Адолат саробга айланганда. Кейин-чи? Кейин нима бўлади? Ё ҳақиқат сўйилади ёки зугум. Иккисиям ҳаёт қолсачи? Қўрқинчли. Жавоби қўрқинчли. Ниҳоятда...

Анча бўлди. Оренбург кўча, 22-уйдан Тошкент узра нидо тарқалади. Адолат билан ноҳақлик уззукун олишгани-олишган у ерда. Гоҳ у, баъзида буниси устун келади. Лекин бу жанг бақириқ-чақириқсиз. Сим-сим. Аммо шиддатқор.

Ақойиддин ўзгача йўлни танлади. Қариндош-уруғи, ота-бобоси, етти авлодининг хаёлига келмаган журъат ой бу. Шўро замонида очлик эълон қилди. Ҳа, очлик!

Олдинига иши яхши эди. Тўсатдан бюрократга учраб зарба еди. Сўнг унга қарши роса от сурди. Ўзича ҳақиқатни излади. Қийин экан, қусурла тикланган иморатни бутлаш. Кўмак қидирди, тополмади. Охири ҳоли етмади. Иззат-нафси топталди. Қаёққа бормасин болахонали ваъда. Бефарқлик. Баъзи маҳкамаларда алдов. Айримида пўписа. Нима қилсин? Ўзини ҳалок этсинми? Йўқ. Бош олиб кетсинми? Йўқ. Ўйлайвериб чарчади. Маънисиз умр, алдовли турмушдан кўра, ўлим афзал эди унга. Кўча-кўйда юролмаса, маъракаларда қатнашишга юзи шувут. Биров устидан кулаётгандек. Очликка жазм этиши ростдан одилона эканлигига ўзини ишонтирди.

Нега? Кимга қарши ғалаён бу? Рўзғорнинг шайни қалтис. Ҳаёт палласини гоҳ у ёққа, истаса қарши томон босади. Ақойиддин Ҳожимуҳамедовнинг тақдиридаям кечди у. Туйқусдан. Шу боис йигит ўз сўқмоғини йўқотиб қўйди...

Унинг уч нафар фарзанди бор. Отасидан мерос қолган уйда яшайди. Иморат эса кўҳна. Охори тўкилган. Тикланганига қариб бир аср бўлди-ёв. На уни таъмирлай олади, на янгисини қуришга руҳсат бор.

Девори туташ металл идиш заводидаги ларзадан уй кунба-кун баттар тўкилади. Бу азобга бутун маҳалла шерик. Қудратли станоклар дастидан кўҳна Сузга ота қабристони, арвоҳлар устига гурзи тушгани-тушган. Йил ўн икки ой!

— Хонадонда ширкат очса нима бўларди?

Ақойиддин фикрини ўртоқларига айтди. Кимдир маъқуллади, бошқаси елка учириб қўя қолди.

Ҳовлида кўзиқорин, чорва моллари, помидор етиштиришга энди киришганди. 1987 йилнинг март ойларида. Бўлмади. Бу ерлар келиб йил бузилади, деган гап уни тўхтатиб қўйди. Нуфузли ташкилот ходимлари хонадонма-хонадон юриб айтганидан кейин ишонувдида.

Эътиборан шундан сўнг Ақойиддин саргузаштлари бошланди.

...Олдинига осон туюлган юмуш минг бир чигириқдан сўнг рўёбга чиқди. Алқисса А. Ҳожимуҳамедов Калинин ноҳиясидаги «Дамачи» балчилик хўжалиги қошида «Чорвадор» ширкатини очишга эришди. Режалари эса аён. Хўжалик ишчилари-ю, аҳолини сут-қатиқ, гўшт билан таъминлаш. Тасодифни қарангки, ҳужжатларини расмийлаштиришга улгуриб-улгурмай, хўжаликнинг етакчиси ўзгариб қолса бўладими. Елиб-югуриб, корхона ҳудудидан ажратилган 3 гектарли майдонни янги раҳбар «Чорвадор»га беришни рад этди. Қанийди, идора-идора изғиганнинг нафи тегса. Тўралик қўли бу даъфа ҳам устун келди...

1989 ЙИЛНИНГ 2 ФЕВРАЛИ. Нола-фиғон, нидоларга пойдевор қўйган кун. Унинг шундай номланиши ўша чоғда бировнинг хаёлига келганмиди? Аниқ айтиш қийин. Аммо, «Чорвадор»га ер беришга рози бўлган Чимкент вилоят Келес ноҳиясидаги «Қозоғистон ССЖ 40 йиллиги» давлат хўжалигининг директори В. Мухининг ҳам чеҳраси очиқ эди ўша маҳал. Шу тариқа «Чорвадор» ширкатининг раиси А. Ҳожимуҳамедов «Қозоғистон ССЖ 40 йиллиги» давлат хўжалиги директори В. Мухин билан шартномага имзо чекишди.

Келишувга биноан хўжалик ширкатчиларга 31 гектар ер ажратди. Ўн йил муддатга! Ҳуқуқий қоғозларга муҳр ҳам босилди.

...Улар самолёт нафар эдилар. Ҳамма ширкатчилар хурсанд. Айниқса, Ақойиддиннинг кайфи чоғ. У қийналиб бўлсаямки, ерга эришгани учун халқпарвар давлатимизга тасаннолар айтди. Ижарачи ва Ер тўғрисидаги қонунлар муаллифларини олқади.

Мана энди ишласа бўлади!

Саккиз оғайнининг қатъий қарори эди бу. Енг шимариб ерни тартибга келтиришга киришдилар. Ниятлари пок, орзулари бокира бўлгандан ердан фойдаланишни тўловини ўша заҳотиёқ узишди. «Қозоғистон ССЖ 40 йиллиги» хўжалиги ҳамёнига 30315 сўм ўтказдилар.

Айни экиш даврида яна бир муаммо кўндаланг бўлиб қолди. Сув керак! Қозоғистондагилар бунга розилик беришмади. Оби-ҳаётнинг ҳар қатраси ҳисоб-китобда эмиш. Боз югуриб-елишлар бошланди. Ақойиддиннинг боши карахт. Наҳотки ўзлаштирилган 20 гектардаги тарвуз, қовун, супурги ниҳоллари қақшаб қолаверади? Сарф-харажат, меҳнат-чи?

Ноилож Ўзбекистон Сув хўжалиги давлат қўмитаси раиси Э. Турсуновга мурожаат қилишди. У киши ўз навбатида ҳайрихоҳлик билдирдилар. Шу тариқа ширкатчиларга ижара майдони яқинидан оқиб ўтадиган Ўзбекистон каналидан секундига 20 литр сув берилди.

Ўша йилнинг баҳори ола-тасир келганлиги кўпчиликка аён. Кутилмаган ҳаҳратон, дўлдан ширкатчилар ҳам роса зарар кўришди. Қовун, тарвуз, супурги уч марта қайта экилганлигига нима дейсиз? Эл бошига тушган тўй эди. Кўп қаторида ўтди-кетди. Деҳқоннинг кузагини берсин экан. Тилими тилни ёрадиган қовун-тарвуз пайкални босиб кетди. Қани уни эплаб бўлса, Қишлоқнинг боласи, чўпон-чўлик, деганлек ҳамма баҳраманд. Бировнинг хаёлига келганмиди, ҳосил ўз ҳосил ундириш.

Ширкатчилар ҳисоб-китоб қилишса, ташландиқ жойдан 86 минг сўм фойда олинибди. Тағин тўлиқ эпақага келтирилмаган ердан.

Ақойиддин кимни? Унинг кечинмаларини элга ёйиш арзийдими? Бўлмасам-чи? У қайнаб ўзбек. Художўй. Ҳақиқатпарвар, сахий қалб.

Пайкалдаги қовун, тарвузлар пишиб етилган чоғ. Узиш палласи яқин. Ширкат аҳли кўнглида тукканини қилди. Ҳосил юкланган «Урал» юк машинаси тўғри Тошкентга йўл олди. Қорақамишдаги қариялар уйига.

— Негадир биздан ҳадиксирашди дейди А. Ҳожимуҳамедов. — Мевага бизни кейнинг келмайди. Кўпчилиги рус кампири, чоллар экан. Уларга урфимизни тушунтирдим. Ҳақиқий деҳқон биринчи ҳосилини етим-есир, қари-қартангга бериб эҳсон қилишлигини. Кўнгилларида ҳадик қолмаслиги учун ёзиб бердим. Худо йўлига бепул деб. Шундан кейин кўрсангиз эди, бечораларни дуо қилиб еийшларини...

Яхши инсонларнинг феъли шунақа. Бирон савобга қўл урса, дили яйрайди. Лаззатланади. Буни тушунганлар, англамаганлар бор. Гоҳида эса бундайларга атайлаб тазъйиқ қилинади. Баъзан пинҳона.

«Чорвадор» аҳлиниям В. Мухин рўй-рост исканжага олди. Уларнинг айби нима эди? Халққа яқинлиги. Эҳ-ҳе озмунча қовун-тарвуз берилмаган қозоқ иниларга. Текин. Арзон-гаров. Директор қараса иш чатоқ. Элнинг фикри ўзгаряпти. Шартта тўнини тескари кийиб олди. 1990 йилда ширкатчилар билан тузилган шартномани бузди. Бир томонлама. Баҳонаси эса ғалати. Халқ молига яйлов сўраётган эмиш.

Қизиқ. Хўжалик етакчиси илгарироқ бу тўғрида ўйласа бўлмасмиди? Ахир у шартномага имзо чекаётганида англаши лозим эдику. Тўғри, ёки нотўғри иш қилаётганлигини. Ўн йил муддати билан ер берган директорнинг бу ғаламислигини оқлаб бўладими? Афсуски, йўқ.

В. Мухиннинг лафзидан бунчалар тез қайтишида яна бир омил сабаб бўлмаганмикан?

— Насиб этса шу майдон туфайли хориж билан олди-берди қиламиз!

Ширкатчилар мақсадларини дангал айтишди. Ростданам улар Япония билан шартнома тузиб, пилла ҳисобига чорвани бошқарадиган компьютер олмоқликни режалаштиришган эди.

Ўйлаб кўринг. Кичкинагина ер эгалари жаҳон бозорига чиқишса-ю, минглаб гектарни эгаллаган хўжалиқ этагини ёпишга мадори етмаса. Уятда бу. Айнан шу уят аҳдни бузди. В. Мухинга ҳам обрў керак-ку. Ҳойнаҳой яна бир гап уни сергак торттирган.

— Камдан-кам демаса кўпчилик болалар боғчага боришдан безиллайди. Овқати бемаза. Нега шундай? Авлод тарбиясига эътибор, муомала паст. Оғир ботмасин-у, мен бир русумни ҳазм қилолмайман. Нечун бизнинг гўдакларга тўнғиз гўшти улашилади? Боғчада. Етти пуштимиз ундан ҳазар қилганини билмаймизми? Қоралаш эмаску, у ҳайвондек ифлоси йўқ. Агар гўнгини емга қўшиб берсанг ҳам еяверади. Боз бировининг эти тилиниб, қони оқса бўлгани бошқалари уни тириклайин еб кетади. Ана шундай бемаза ҳайвоннинг гўштини еган боладан нимани кутса бўлади? Қаддимизни ростлаб олсак боғча очамиз. Сут, қаймоқ, қўй, мол, парранда гўштларини тановвул қилади гўдаклар. Маҳсулотларни етказиб бериш бўйнимда. Болани боғчага «Рафик»лар элтса тағин ўзи тарқатса ёмонми?

1

Ақойиддин шу режаларини илгаридан айтганига пушаймон. Директорнинг кайфини чоғ этай, деганди бечора. Мухинга бу акс таъсир қилишини қаёқдан билсин?

— Ҳасад деган бало ёмон экан, — дейди у. — Бизнинг заминдан унумли фойдаланишимиз, эл назарига тушганимиз хўжалик раҳбарини ҳушёр торттирди. Еримиз оз бўла туриб ундан яхши яшасак, малол келадида. Қолаверса, бу ҳақда юқоридаям гап бўлади. Таъна, дашном дегандек. Йўқса, бошқа жойда тегишимизни беришга рози бўларди-да. Унингча бизнинг тамомила чиқиб кетишимиз афзал эди. Қозоғистондан.

Ана шу ҳақсизликлардан сўнг А. Ҳожимуҳамедовнинг учрашмаган ташкилоти, ариза бермаган раҳбари қолмади. Қозоғистон, Ўзбекистон етакчиларидан мадад кутди. М. С. Горбачевга беш марта хат йўллади. Сухаревгаям. Ҳар даъфа шикояти ўзи устидан арз қилган ташкилотга келиб тушгани-тушган. Жавобиям бир. «Разберитес».

Аммо унга ҳеч қулоқ солишмасди...

Ертўла. Заҳ. Ҳаво сийрак. Зўрға нафас олади киши. Деворда шамнинг излари. Балким юзта, мингтаси ёқилгандир. Аланга дастидан бечора тупроқ девор куйиб адо бўлибди. Девор қилиб ўралган бардон оғушида Ақойиддин Ҳожимуҳамедов ётибди. Оч. Беҳол. 80 КУН,

ЕРТЎЛАДАГИ ЕТМИШИНЧИ ОҚШОМ



туз тотмади. Ёруғ дунё, қуёшдан бехабар. Ниҳолнинг кечаги яшил барглари сарғайди. Қанча дарёлар оқди, юзлаб гўдак дунёга келди. Тўй, ҳашам, чойхона, айшу-ишратлар. Аммо у шу роҳатларнинг барчасидан кечди. Уззу-кун шипдаги чиғнинг қамишини санайди.

Илгари у 19 мартдан бошлаб 15 кун очлик эълон қилувди. Бу ғайри-табиийликдан шошиб қолган ноҳия, вилоят раҳбарлари аҳвол билан танишгач, катта ваъда беришди. Иш қозоғистонлик қардошлар билан келишилиб ҳал этиладиган бўлди. Инсон лафзига инонган А. Ҳожимуҳамедов 3 апрель куни очликни тўхтатди.

Очиғи элнинг ҳам жонига тегиб кетган айрим раҳбарларнинг алдоқчилиги. Буни ҳамма билади. Ўша боисдан ҳам уларни халқдан милиционер қўриқлагани-қўриқлаган. Сўз бердингми, бажаргинда. Нима кераги бор эплолмаган нарсасига оғиз кўпиртириш. Жимгина юравер.

Ана шу қусур Ақойиддиннинг бошига тўқмоқ бўлиб тушди... Сувдан ўтгач биров қандайсан ҳам демади. Ўн кун, йигирма кун, бир ой ҳаммаси ўша-ўша. Эски ҳаммом, эски тос! Оғир ҳақорат эди бу. Ақойиддин уни ҳазм қилолмади. Ориятига тегди. Шаънига доғ туширишга уринган алдоқчи раҳбарларнинг олдига бормади ҳам, разолатга тиз чўккисиям келмади.

19 ИЮНЬ 1990 ЙИЛ. А. Ҳожимуҳамедов иккинчи бор очлик эълон қилган кун!

— Важоҳатлари жуда бузуқ эди. На гап-сўз бор. Миқ этмайдилар. Уҳ тортганлари-тортган. Ертўлага бир шолча тўшаб ётиб олдилар. Уззу-кун қимирлаш йўқ. Орадан беш-олти кун ўтди. Йиғлаб, сиқтаб зўрға каровот қўйиб беришга кўндирдик.

Оила бекаси Маъмуранинг гапларидан эзилиб кетдим. Қанчалар қийин унга. Бу ёқда сардори очлик эълон қилиб ётса-ю, унга овқат, рўзғор татийдими? Ҳовлисига биров кирса, умидла қарайди. Ҳализамон у турмуш ўртоғининг мушкулини осон қиладиғандай. Бир илиқ сўз, мадад кутади. Йиғлай-йиғлай кўзлари қотиб қолган.

Биринчи учрашувда Ақойиддин билан икки соатча суҳбатлашдим. Ўтган дақиқа бир ойдек чўзилди назаримда. Ҳаммаёқ қоронғу. На ҳаво киради, на ёруғлик. Лаҳатнинг ўзгинаси. Ер остидан уфураётган заҳ томоқни баттар бўғади. Ноилож гурунглашаман.

— Биз олти ака-укамиз. Кунаро келишади. Лекин уларни бу ёққа киритмайман. Кўнгилларини бузишнинг нима кераги бор. Табиатим ғалати. Кўз ёшларига тоқатим йўқ.

— Ертўлани атайлаб кавлаганмисиз? Нега бу ерда ётибсиз? Очликни уйдаям эълон қилиш мумкин-ку, сўрайман ундан.

— Тушимга кирибдими бу ғавғо. Мева-чева асрайман, деган умидда қазгандим. Тақдирни қарангки, гўр бўладиган бўб қолди. Пешонага ёзилганида биродар. Қутилиб бўладими? Ҳали айтганингиздек очликни уйдаям давом қилдирса бўлаверади. Унга жой муҳим эмас. Мен эса ертўлани танладим.

— Нега?

— Шерикларимдан уяламан. Уларнинг кўзига қаролсайдим кошки. Ҳаммасига мен айбдорман. Ишонтирдим. Оқибати эса шармандалик. Барининг ҳамёни бўш. Январь ойидан бери бекор. Давлатдан эмас ўзимдан хафаман. Гўл бўлмасам лаққа тушаманми? Айтишувди, ишонма. Қарорлар чиқаверади. Ҳаммаси бекор гап деб. Ўша келди-да. Ўн йилни мўлжаллаб ернинг тошларини битталаб терувдига. Ахири муздек бўлиб қолдим.

Кароватини ғичирлатиб уф тортади. Мен Ақойиддиннинг юзига термуламан. Сурпдек оппоқ, қонсиз. Руҳи чўккан.

— Айбдорлигимни юзимга солишсаямки, ғуборинг тарқайди. Йўқ. Болалар ундай қилишмайди. Бу эса мени баттар исканжага олади. Дўстларимни алдаганим, уларни қарзга ботирганим сабабли ўзимни зиндонбанд қилдим. Йўқса, уйдаям ётаверсам бўларди. Қоронғида эгамдан гуноҳимни сўраб ётаман-да, ака.

17 АВГУСТ. СОАТ 12.45. Бир гуруҳ шифокорлар 22-уйга кириб келишди. Мавлуда Шоғуломова, Мубошира Ғуломова ҳамда 22-поликлиниканинг бош врачи Мавжуда Шо-Алимовалар.

2

Ақойиддиннинг саломатлиги билан қизиқдим.

— Кейинги кунларда қон босими ошаяпти. Майда нафас олиш йўлларида яллиғланиш аломати бор.

Сўнг Мавжуда Собировна қўшиб қўйди.

— Биз унга фақат руҳий мадад бериш билангина чекланяпмиз. Чунки дори ичмайди. Муолажани қабул қилишни рад этган.

Хонадон аҳли шифокорлардан мамнун. Айниқса, участка врачи Люса Акчулпанованинг канда қилмай хабар олишидан хурсандликларини яшира олишмади. Яхшиямки, ўшалар, маҳалла аҳли бор экан. Йўқлаб туришибди.

Ҳаётнинг боши-ю, адоғи ҳам бор. Хусусан мансабниям. Аммо айримлар буни абадий, деб ўйлайди. Ўзини тутишиям бошқача. Октябрь ноҳия прокурори худди шундай йўл тутди.

— Ўз шахсий ишинг деб, нега жамоатчиликни тортаяпсан, — деди у бир куни. Ақойиддининг кўзида ёш қалқиди.

— Худо бир, шахсий манфаатимни ўйлаганим йўқ. Қозоғистон қишлоғидаги болаларни кўринг. Ачиниб кетасиз. Турмушидан эзиласиз. Ўшаларга кўмак бермоқчи эдим. Шартномамиздаям бор эди, бу. Бир воқеа айтаман, Худога чин, сизга ёлғон. Чернобилда фалокат содир бўлган йили бир кишининг уйи ертўласида кўзиқорин етиштирдим. Росса мўл бўлди. Ёзнинг чилласи эди. Бозорга олиб чиқдим. Килоси 15 сўм! Чернобилдан келганлар талашиб-тортишиб харид қилишди. Ҳаммаси ҳайрон ўзим етиштирганимга зўрға ишонтирдим.

Бойишни хоҳлаганимда ҳозиргача миллионлаб пулим бўларди. Остимда «ГАЗ-24»., Бир куни отаонам қўйилган қабристонга бориб онт ичдим: Бировнинг ризқига кўз олайтирмай ҳалол яшашга, элга кўмак беришни худога, арвоҳларга сўз берганман. Элимга ёрдамим тегмаса, жонимга розилигимни ҳам айтдим. Руҳларни алдаб бўладими? Шундан кейин қайси одамзод разилликка қўл ура олади? Прокурорга буни тушунтира олмадим.

Ўша маҳаллари Қозоғистонда нима гап эди? Элу улус бу набакорликдан бохабарми?

Давлат хўжалигининг директори В. Мухинни тополмагач, хўжалик фирқа қўмитасининг котиби Еркенбек Нурмановнинг бу ҳақдаги фикрини сўрадик.

— Қизиқ, директор нега илгари ўйламади? Қишлоқнинг моли боқилишини. Бировни умидвор қилиб, шартни бузиш. Йўқ, бунга қаршиман. Албатта бу ҳақорат. Кишига ҳам моддий ҳам маънавий зиён. Зарурат юзасидан олибдими, бошқа ер берсин. Илгари эшитувдим «Чорвадор»нинг фаолияти тўхтаганлигини. Майдонини бориб ҳам кўрганман. Ўйлабманки, томонлар келишган деб. Ҳар ҳолда ўн йилга ерни берадиган етакчи бу муддатни обдон ўйлаб иш кўриши лозим эди-да. Яна нимаям дердим. Айбдорми, харажатини Мухин тўласин.

— Хўжаликнинг кўп етакчилари бундан бехабар, — суҳбатга қўшилди бош агроном вазифасини бажарувчи Сергей Васильев. — Қаранг ўтган йили ер берилиб, бир мавсумдан сўнг тортиб олинса. Мантиқсизлик. Қолаверса, биз 30315 сўм даромад қилиб турувдик. Тушунмаётибман. Очиқ гап у яйловдаги ўсимликни мол ҳам емайди.

...Қовунчи қишлоғидан хиёл юрилгач, дўнглик келади. Унинг тескаклари ширкатчилар ихтиёрида бўлган. Ҳозирда шудгорланганича ётибди. Тиконли ўсимликларга қоришиб. Пастроқда эса «Чорвадор» аъзолари яшаган вагон уй. Қишлоқ йўлининг четида электропайванд, «Т-28» маркали трактор, дизель. Чангга ботган. Атрофида эса иштончанг болалар тупроқ ўйналпти. Афт-ангорига қараб бўлмайди.

Эсимга А. Ҳожимуҳамедовнинг айтганлари тушади.

— Болалар боғчаси, сауна, ўйингоҳ, концерт зали қурдирмоқчийдим. Ёшлар хиёбони ҳақидаям ўйлаб қўйгандим...

Ўйга толади киши. Биров халқимга хизмат қиламан деб турсада, уни бадном қилсалар. Ҳатто қувилса. Адолатнинг қайси бандида бор бу. Баъзида жиннигаям чиқаришади, халқчил фикр ҳардам хаёллардангина чиқадими? Надоматким шундоқ ўйлайдиганлар бор.

Маъмура Ҳожимуҳамедова айтади:

— Илгариги очлик эълон қилганлари эди. Март ойининг 27 куни. Ҳовлимизга дўхтирлар кириб келишди. Иккитаси барваста. Глюкоза, осма укол қилажакларини, бу муолажа фақат касалхонада бажарилишини айтишди. Уйдан чиқишларига рози бўлмадим. Қоғоз узатишди. Баттар шубҳаланиб имзо чекишдан бош тортдим. Миямнинг ишлаганини қаранг, ҳалигилар 10-подстанциядан экан. Эшитиб, анграйиб қолибман. Биз чақирмагандик. Соппа-соғ одамни жиннига чиқариш... Хўрлигим келди. Йиғладим. Хўжайинимни кўргач, ўзлариям ҳайрон қолишди

Ақойиддинни жиннига чиқармоқчи бўлган ким?

Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли 10-подстанцияга йўл олдим. Воқеадан бохабар бўлган мудир Ҳомид Исмоилов бажонидил розилик билдирди.

Ариза ким томонидан қачон берилган? Шуни аниқлаш кифоя эди, холос. Тиббий статист Роза Хон А. Ҳожимуҳамедовнинг касаллик тарихидан воқиф этди. Унинг қайд сони 44. Ариза 27 март куни соат 17.20 да Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Йноғомов томонидан берилган. Врач-психиатр С. Хохлова бошчилигидаги гуруҳ уч минутдан кейин соат 17.23 да Ақойиддиннинг ҳовлисига йўл олишган.

Тиббий хулосанинг сўнгги сатрлари... **«А. Ҳожимуҳамедов руҳий соғлом...».**

Хўш, А. Ҳожимуҳамедовнинг даъвоси нима? «Чорвадор» ширкати давлатдан 230 минг сўм ссуда олиб иш бошлаганди. Аъзолик бадаллари билан жаъми 300 минг. Қарзни тўламаса бўлмайди. Аҳднома бор. Бир йилда озроғидан қутилишди. Қолган 182 минг сўмни қайтариш ҳақида ўйлайди раис. Асосий талаби ерни ўзлаштиришда сарф этилган барча харж — 199 минг 890 сўмни «Қозоғистон ССЖ 40 йиллиги» давлат хўжалиги тўласин.

Тўғри, шартноманинг учинчи бандида шундай сатрлар бор: «...Соҳиб шартномани бир томонлама бузиш ҳуқуқига эга». Хўш, нега у бузади? Хўжаликнинг ўтган йилги даромади 200 минг сўм бўлгани ҳолда унинг 30 мингдан зиёдини «Чорвадор» бергани учунми? Ёки ўзи сув топиб, ўзи кимёвий ўғитдан ортиқ фойдаланишни рад этгани жазосими бу? Сабаби не? Саволлар ва яна саволлар... Улар ҳадсиз, ҳудудсиз.

Яқинда А. Ҳожимуҳамедовнинг ҳузурига бир гуруҳ кишилар келишди. Улар ширкат аъзолари И. Дадабоев, А. Жақипов, Н. Ширинбоев, Н. Жўраев А. Мажидов, Н. Абдуллаев ва А. Солиҳов. Ҳаммалари бирдек ўз раисларидан очликни тўхтатишни илтимос қилдилар. Сурункали ташналик саломатлигига зиёнлигини қайта-қайта такрорлашди. Олған жавоблари қатъий эди.

— Ҳақиқатни топа олмай яшаганимдан кўра ўлганим афзал!

...ОЧЛИКНИНГ 70-ОҚШОМИ. Оила бекасининг хаёли паришон. Сардорини ўрнидан туришга кўндиролмади. Ҳали замон қариндош-уруғлари келиб қолишса-я. Ахир бугун турмуш ўртоғининг туғилган куни. Келганларга дастурхон тузатса-ю, эри ертўлада ётадими? Табриклашгаям тили бормади. Қайси сўзни айта олади. Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин дейдими? Хуллас, нима қилишини билмайди. Дақиқалари ҳаловатсиз. Устига-устак қизчасининг бетиним сўзлашидан баттар қийналади.

— Ура, бугун адамланинг туғилган кунлари. Мазза қилиб торт еймиз...

Кошкийди гўдак билса, унинг бийрон сўзлашлари она қалбига наштардек санчилишини? Кошкийди туғилган кунини зиндонда олқишлаётган падар нидосини эшитса. Йўқ! У ҳали билмайди, тушунмайди. Ота эса бу чоғда 38 ёшга тўлди. Чоҳ азобида тўлғана-тўлғана.


Шифокор бўлса касаллик тарихига янги сатрларни битади. «Бош оғриғи кучайяпти. Инсулнинг тахминлари бор».

Айтинингчи, нега исён қиладилар? Қорин очганидами? Йўқ! Адолат топталганида. Кейин-чи? Кейин нима бўлади? Ё ҳақиқат сўйилади, ёки зуғум. Иккисиям ҳаёт қолсачи? Унда жамият ўлади...

Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: мақола саҳифалаштирилаётганда «Тошкент оқшоми» рўзномасида Ақойиддин Ҳожимуҳамедовнинг очликни тўхтатганлиги ҳақидаги очиқ хати эълон қилинди.

3



—Мени ҳам мактабга олиб боринг

Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

ШУ ЙИЛНИНГ 9—15 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА АНЪАНАВИЙ БОЛАЛАР КИТОБИ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ ЭМАС

Болалар адабиёти деган улкан иншоотнинг бино бўлишига бугун ҳамма баҳоли қудрат ҳисса қўшаётир. Ўқитувчилар, шифокорлар, боғбонлар... «Ҳужжатли» шоирларимиз биринчи навбатда. Қисқаси, болалар адабиёти умумхалқ ҳашарига айланиб бормоқда («Ҳамма болалар адабиётига!» деган шиор-сурват етишмаяпти, холос).

Ушбу умумҳашарга қўшилган бир ҳаваскор қаламкаш дўстимиз «Утюк» сарлавҳали шеърини жаридамизга йўллабди. Дазмол ҳақидаги бу шеърда унинг галстук-бўйинбоғ ғижимларини текислаши мадҳ этилади ва... «утюк ўхшар китобга» (?!) деган ўхшатиш келтирилади. Албатта, бундай ўхшатиш ҳақиқатдан анча йироқ бўлса-да, бари-бир қувондим. Ахир, ғоясиз, зерикарли китобнинг дазмолдан қандай фарқи бор?! Ахир бундай «дазмолнусха» китоблар мия бурмаларини «текислаб» қўйиши ҳеч гапмас. Айниқса, ҳали мумдек юмшоқ бўлган болалар онгини. Шунинг учун ҳам ҳозир тақчил матоҳга айланган дазмол ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга «дазмолнусха» бемаъни китобларнинг нашрини камайтириш ҳақида ҳам куюниш лозимга ўхшайди.

Бугунги кунда ушбу адабиёт ҳақида ўйлаганимда, шаҳардаги турар жой бинолари ҳовлисига қурилган болалар майдончалари кўз олдимга келади. Уларни ўнтасининг ҳам, юзтасининг ҳам одатдаги манзараси шу: икки-уч ҳалинчак, сирпанчиқ-тепа, қўзиқорин-соябон, камалакдек дол нарвон... Биз болалар шоири деб тан олган ўнлаб ижодкорларимизнинг шу пайтгача яратган асарларида ҳам шундай бир хил «жиҳоз»лар йўқ дейсизми: чойга солсак эриб кетадиган қанд, асалхўр айиқлар, уйқучилар, дангасалар, бахтиёр болалик.

Бола халқи жуда тақлидчан бўлади. Болалардаги бундай тақлидчанликка қарши курашиш бефойда. Бунинг уддасидан чиқолмаймиз ҳам. Яхшиси уларнинг бу хусусиятларидан фойдаланиш керак. Яхши бадиий пишиқ асарлар, истеъдодли адиблар ижодини болаларга тарғиб қилиш бунинг давоси. Ёмон, зарарли китобларга тақлид қилгандан кўра, яхши асарларга тақлид қилган фойдалидир.

ОЛЛОЁР.

Талабалар, сизлар учун!

ДИҚҚАТ, КОНКУРС!

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси ёш мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялаш сифатини яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижодий фаолиятга тортиш мақсадида «Ёш ленинчи» рўзномаси таҳририяти қошида ташкил этилган «Жилға» ойлик саҳифасида толиблар ҳаётини чуқурроқ ёритиш учун энг яхши мақола, хабар, очерк, фотоочерк, фотосуратлар мукофотли талабалар конкурсини ўтказишга қарор қилди.

Материаллар Ленин стипендиатлари, байналмилалчи жангчилар, талабалар отрядлари аъзолари фаолиятини ёритишга, толиблар турмушининг ўткир муаммоларини ишончли тарзда тасвирлаб, унга жамоатчилик эътиборини қаратишга, шунингдек, талабаларни хорижда ўқиш учун тайёрлашга бағишланиши даркор.

Конкурсда 16 ёшга тўлган мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари, шунингдек ёши 30 дан ошмаган барча талабалар ва аспирантлар қатнашиши мумкин.

Конкурсга юборилган материаллар ҳажми 60 дан 400 сатрга қадар (машинкада 2—10 бет) бўлиши керак.

Конкурсга юборилган суратлар 13х18 дан 18х24 гача ҳажмда бўлиши зарур.

Қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Энг яхши ва муҳим деб ҳисобланган материаллар ва суратлар «Жилға» саҳифасида эълон қилинади.

Конкурс 1991 йил 5 май — Матбуот кунида «Ёш ленинчи» рўзномасида эълон қилинади.

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутмоқда:

ИККИТА 1-ЎРИН (мақола битта, сурата битта) — ҳар бири 200 сўмдан имтиёзли тўлови бўлган капиталистик мамлакатларга бир ҳафталик иккита йўлланма, «Ёш ленинчи» рўзномасининг иккита дипломи ва Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари.

ИККИТА 2-ЎРИН (мақола битта, сурата битта) — Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг 100 сўмлик иккита мукофоти. «Ёш ленинчи» рўзномасининг иккита дипломи ва Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари.

ИККИТА 3-ЎРИН (мақола битта, сурата битта) — «Ёш ленинчи» рўзномасининг иккита дипломи ва Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари.

Эслатма: Конверт устига «Жилға» конкурсига деб ёзиб қўйишни унутманг.

МЕВАЛАР ЭВАЗИГА ТАБОБАТ ҚУРИЛМАЛАРИ

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига «Актюбрентген» заводидан беморларни флюорографик текширувдан ўтказиш учун мўлжалланган олтита қурилма келтирилди. Ховос ноҳиясидаги Мичурин номли давлат хўжалиги шу қурилмалар эвазига бу корхонага 80 тонна олма юборди.

Вилоят хўжаликларига ёрдам сўраб мурожаат қилган вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг ташаббуси туфайли шундай «операциялар» ўтказиш мумкин бўлди. Улар эса, ўз навбатида маҳсулотнинг бир қисмини бевосита тиббий ускуналар ишлаб чиқарувчиларга сотишга рози бўлишди.

Албатта, буларнинг ҳаммаси Мирзачўлда соғлиқни сақлашнинг оғир аҳволи ва уни пул билан таъминлашдаги қийинчиликлар туфайли қурилган мажбурий тадбирлардир. Аҳволни ўнглаш учун анча маблағ зарур. Шу мақсадлар учун деҳқончилик саноат банкининг Гулистон бўлимида кўнгилли хайр-эҳсонлар учун махсус ҳисоб очилган. Бу ҳисобга ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки бадаллар ўтказила бошланди.

(ЎзТАГ мухбири).

ОНА ТИЛИМИЗ — БЕВАҲО БОЙЛИГИМИЗ

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Яхшиси, ўзим жонли гувоҳи бўлган бир мисолни келтира қолай: Тошкент шаҳар, Акмал Икромов ноҳияси ички ишлар бўлимининг терговбўлинмаси терговчиси, милиция капитани М. Мирмусаев Ўзбекистон ССЖ жиноят процессуал кодексининг 112 моддасига биноан, ўз назоратида бўлган жиноят иши юзасидан Андижон шаҳар ва Тошкент шаҳри, Сергели ноҳияси ҳарбий комиссариатларига сўров хатлари жўнатган. Хатларнинг мазмуни қуйидагича:

1. Андижон шаҳри, 1-микрорайон, 32-уй, 17-хонадонда яшовчи Мўминов Алишер Ўзбекистон ССЖ жиноят кодексининг 88-моддаси «а» бандига асосан айбланиб, шу иш учун айбдорга қидирув эълон қилинган. Шул боис, уни ҳарбий ҳисобдан чиқармаслик ҳамда агар у комиссариатга келадиган бўлса, уларга хабар қилишлари сўралган, холос.

2. Бу хатнинг ҳам мазмуни деярли худди шундай. Сергели ноҳиясида яшовчи Умаров Фахриддинга нисбатан Ўзбекистон ССЖ жиноят процессуал кодексининг 169-моддасига кўра қидирув эълон қилинганлиги, уни ҳам ҳисобдан ўчирмаслик сўралган. Лекин...

Фалакнинг гардишини қарангки, иккала хат ҳам кўп ўтмай терговчининг қўлига яна қайтиб келса бўладими! Хат устига эса «хатни таржима қилиб юборишингизни сўраймиз» деб ёзилган.

Наҳотки, катта бир нуфузли анжуманда, йирик миллатлардан бири бўлмиш ўзбек халқининг талаб-истаклари асосида қабул қилинган қонун шу жумҳурият ҳудудида жойлашган ҳарбий комиссариатларга тегишли бўлмаса!! Бу сўров хатлари оддий ёзишмалардан эмаслигини ўзининг жимжимадор имзосини қўйганлар беш қўлдек биладилар ҳам.

Мени ҳайратга солган нарса шуки, тил тўғрисидаги қонунга шу тахлитда муносабатда бўлинар экан, унинг ҳаливери Ўзбекистонда амалга ошишига унчалик ишонмайман. Қонун барчага баробардир.

Ҳусан ҚЎЧҚОРОВ,
ҳуқуқшунос.
Тошкент шаҳри.

Бир хат изидан

ЖАРИМА

(Фельетон)

ЎША КУНИ ўнг ёни билан турдими ёки чап томони биланми, буниси Турсунбой учун қоронғу. Аммо ҳайвон қиёфасидаги махлуқ — шайтоннинг бир оғиз гапи дилини ҳуфтон қилди.

— Эй, инсон, сенга бир синоат ўргатайму, — деди у думини ўйнатиб.

Турсунбойнинг сочлари тикка бўлди, жаҳли чиқди:

— Нодон, — таъкидлади у. — Ким бўлибсанки, ақл ўргатурсан. Керак бўлса сенинг устозингга ҳам дарс бермоққа қодирман.

Шайтон лабини тишлаб қолди. Ёруғ дунёга келгандан буён ҳеч кимдан бундайин жавоб олмаганди.

Турсунбой эртаси кун билим юртига дўппини қийшайтириб, болаликдаги қўшиғини хиргойи қилиб кириб борди. У расм-чизмачилик бўлими раҳбарлигини қабул қилган, илк машғулот ўтиши лозим эди. Ўқувчиларни йиғди. Танишувдан сўнг дилидагини дангал айтди:

— Интизомни яхшилаш учун нима қилиш керак?

— Дарсга кеч қолувчиларни уялтириб, изза қиламиз, — деди кимдир.

Бошқа биров қўшимча қилди:

— Балки, деворий рўзномада шарманда қилармиз?

Машрабхон Исмоилова ўқитувчининг дилидагини топди:

— Моддий томондан жазоласак-чи?

— Баракалло, — яйраб кетди Турсунбой. — Яхши таклиф. Жарима олишни йўлга қўямиз. Ким дарс қолдирса ҳар бир дарс соатига бир сўмдан тўлайди. Кемага тушганнинг жони бир, — йиғилишга якун ясади у.

Орадан кўп вақт ўтмай муаллим журнални варақлади-ю, анқонинг уруғини топиб олгандек бўлди:

— «Иккичи»лар пайдо бўлибдими? Навбатдаги йиғилишда гапни узоқ чўзмади.

— «Ким «икки» баҳо олса бир сўм чўзсин, — қатъий талаб қўйди у. Кейин изоҳ берди: — Жарималарни уйимга олиб кетмайман. Битириш чоғида ўзларингга асқотади.

Шу тариқа Л. Н. Толстой номли Андижон педагогика билим юртида, тўғрироғи Турсунбой Қурбонов раҳбарлигидаги (собиқ) расм-чизмачилик бўлими 3-гуруҳида «жаримачилик» пайдо бўлди. У талабалар учун «қонун» бўлиб қолди. Гоҳида «икки», гоҳида дарс қолдириш, хуллас «йиғмачилар» ишга киришиб кетишди. Гуруҳда уларни талабалар ўзгача аташарди: «Жаримачилар» ёки «солиқчи»лар. Қўли чаққон шогирдлардан жамғармани олаётганда устоз таъкидлаб қўйишни ёқтирарди:

— Мен хазинабондайман. Пулни сизларга сақлаб бераман, холос. Кейин у маънодор жилмайиб қўярди.

Ишонган тоғда кийик ётмас, деганлари тўғри экан. «Жамғармачилар» устозга панд беришди. Азиз Рўзиматов, Маҳмуджон Восилов устозининг кўзига тик қарадилар:

— Бўлди йиғмаймиз, — дейишди улар.

Ахир ойдан ойга стипендияни учма-уч етказадиган талабалардан жарима йиғиш азобга айланганди. Аммо Турсунбой ўқувчиларнинг жавдираб қарашларини назар-писанд қилмади. Аксинча:

— Лапашанглар, — таъкидлади у, — қандай қилиб ундиришни билиш керак.

Стипендия раҳбар қўлидан ўтмагунча тарқатилмайдиган бўлди. Галдаги йиғимлардан бирида Гуласал Ҳомидова чумчуқдек чириллаб қолди:

— Ахир 17 кун касал бўлиб ётдим. Бетоблигим ҳақида касаллик варақам ҳам бор.

— Ақл ўргатманг, — юқоридан келди Турсунбой, — варақага ишонмайман. Марҳамат қилиб ўн етти сўм чўзинг.

Гуласалнинг кўзларида ёш пайдо бўлди. Бор умидини стипендияга боғлаганди. Энди бўлса... У тишини суғуриб олгандек қилиб пулни устоз қўлига тутқазди.

Антиқа «ихтиро» муаллимни сеҳрлаб қўйди. Юз-хотирни, андишани унутди. Энг муҳими у ўқувчилар қаршисида адолат, тўғрилик, ҳақиқат ҳақида ваъз сўзлаётгани ажабланарли эди. Жарима тўловчилар сони эса тобора ортиб борарди. Орифжон Турсунов, 17 сўм, Иброҳимжон Очилов 19 сўм, Гулчеҳра Матмусаева 5 сўм...

Яҳё Абданбоев жарима тузоғига илинмасликка ҳарчанд уринмасин бўлмади. Муаллим турли баҳоналар ўйлаб топди. Бир гал дадасининг ота-оналар мажлисига келмаганлигини рўкач қилиб дарсдан чиқариб юборди. Унинг ота-онаси Арслонбобда яшар, Андижонга узоқ бўлганлиги учун йиғилишга кела олмагандилар. Ўқувчи икки ўт орасида қолди. Унга машғулотларда қатнашиш рухсати йўқ эди.

Ой якунида муаллим «айбдор»ни чорлади:

— Дарс қолдирибсизми? — илмоқдор савол берди у.

— Ахир ўзингиз... Ўқувчи гапини тугата олмади.

— Сиздан изоҳ талаб қилмаяпман. Жарима қани?..

Йигит кишига қирқ ҳунар оз, дейдилар. Қирқ биринчи ҳунарга қўл урган Турсунбойнинг «маҳорати» лол қоларли. Унинг «ихтиро»лари кун ўтган сайин бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб борди. Муаллим ўқувчилар 2-курсга кўчишлари билан яъни ўтган йилдан бошлаб курснинг умумий жамғармасини бойитиш ташвишига тушиб қолди.

Узоқ ўйлади. Бош қотирди. Қандай қилиб талабадан яна пул олиш мумкин? Ниҳоят йўлини топди-ю, терисига сиғмай қувониб кетди. «Ҳар ойига стипендиядан 1 сўмдан ушлаб қолса-чи?!»

Ўқувчилар устоз таклифидан сўнг яна оғизларига талқон солиб олгандек жим туравердилар. Ахир нима қилишсин? Муаллим талабчанлик, қатъийликни ниқоб қилиб олган бўлса. Арзимаган баҳона билан масала чигаллашиб кетиши мумкин. Янги «ихтиро» ижросини талабалар касаба уюшмаси раиси Гулчеҳра Матмусаева бажарди. Дарҳақиқат, аввалига ойига, кейин ҳафтасига бир сўмдан йиғиш тартиби жорий этилди. Янгилик узоқ давом қилиши мумкин эди. Аммо Муҳаббат Сулаймонова режанинг пачавасини чиқарди:

— Ўтказиб қўйган ҳақинг бордек ҳиққиллайверасанми, — деди у Гулчеҳрага. — Мана беш сўм, беш ҳафтага тинч қўй.

Дилфуза Абдураҳмонова, Шаҳзода Рўзиева, Сурайё Жўраева ҳам шундай қилишди. Аммо бошқалар шовқин кўтаришди:

— «Ҳаммамизнинг ота-онамиз ҳам бойвачча эмас. Қачонгача уларга оғир юк бўламиз», — таъкидлашди улар.

«Мисқоллаб йиққан билан иш битмайди», мулоҳаза қилди муаллим. Яхшиси дангаллик қилиш лозим.

— Беш сўмдан тўпланг, — буйруқ қилди у ўқувчилар етакчиси Шаҳзода Рўзиевага, — жамғарма учун.

Раҳбар айтгандай бўлди. 30 нафар ўғил-қиздан 150 сўм тўпланди, Орадан бир неча кун ўтгач яна худди шу миқдорда пул йиғилди.

Кузакда Комсомолобод ноҳиясидаги Ленин 100 йиллиги номли давлат хўжалигида пахта терилди. Талабалар ҳашарга чиқдилар. Яна адолат бошини эгди. Эрта тонгдан қош қорайгунча тер тўкиб меҳнат қилган ўқувчиларга мукофот пули ажратилдию, лекин рағбатлантириш талабаларда норозилик туғдирди. Мукофот раҳбарлар нафсини қондирди. Энг ёмони нима бўлди денг, турли узрли сабабларга кўра пахтадан эртароқ қайтган ўқувчиларнинг 30—35 сўм миқдордаги меҳнат пули уларнинг ўзига тегмади. Устоз ташаббуси билан жамғарма ҳисобига ўтиб кетди.

Фотима Эркасариева истиҳола қилди. Гулчеҳра Сулаймонова устознинг инсофга келиши, меҳнат қилиб топган ҳаққини қайтариб беришини кутди. Раҳбар эса устамонлик қилди, тўғрироғи сиртига сув юқтирмади, қулоқни кар, тилини гунг қилиб юраверди.

Ўқув йили тугаши билан ўқувчилар жамул-жам бўлди. Олдинда хоналарни таъмирлаш вазифаси турарди.

— Қўлларингни совуқ сувга урдирмайман, — навбатдаги диёдиёсини бошлади муаллим, — бор-йўғи уч сўмдан «ҳисса» қўшилса кифоя.

Шундай бўлди. Ўқувчилар таъмирлаш ишларига тўқсон сўм йиғиб беришди. Қизиқ, энди талабаларнинг ўзлари ҳам бирор тадбирга маблағ ажратмасалар туролмайдиган бўлиб қолдилар. Қандайдир ташаббус бошланса ҳамёнга қўл югуртирадилар. Ўрганган кўнгилда, муаллим ўқувчиларга яна сўз қотди:

— Хизматни бегона қилмасак. Ораларингда таъмирлашни уддалайдиганлар йўқми?

Ҳусниддин Исмоилов, Маҳмуджон Восилов муаллим билан шартнома тузди. Келишувга биноан уларга 16 сўмдан иш ҳақи бериладиган бўлди. Қолган маблағга бўёқ, турли буюмлар олиб келиш режалаштирилди.

Муаллимнинг сўзлари ёлғон экан. У пол учун мўлжалланган бўёқни сотиб олдим, дея талабаларни лақиллатмоқчи бўлди. Аслида Мавжуда Исабоева келтириб берган 32 сўмлик бўёқ қиммати эвазига қуруқ раҳматдан нарига ўтилмади.

Алдагани бола яхши. Аммо билим юртидагилар бола ёшидан ўтган, оқу-қорани ажрата биладиганлар. Шарм-ҳаёни унутган муаллим уларнинг қўйинларини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Х. Исмоилов, В. Умрзоқов, Д. Иброҳимов, А. Рўзиматов сингари ёшлар бўйнидан боғлангандек судралиб муаллим ҳовлисига боришди. У ерда Андижон гидролиз заводининг чиқиндиси — лингнинни ёқилғи учун гувалакдек қилиб қуйдилар. Устоз талабаларни мардикордай ишлатишни «ҳашар» деб атади.

Турсунбой Қурбонов мана-ман деган анча-мунча «устамон»ларни бир чўқишда қочирадиганлардан. Унинг «ноёб» истеъдоди ўқувчиларнинг билим юртини битириш чоғида кўринди. У шундай йўл тутдики, сих ҳам куймади, кабоб ҳам.

Ўқувчилар етакчиси Шаҳзода Рўзиева кутилмаганда йиғлаб юборди. Чизмачилик, тасвирий санъат, композиция каби учта фандан амалий ишига «қониқарли» баҳо қўйилди.

— Бошқаларники билан солиштириб кўринг, — кўз ёши тўкди Шаҳзода, — ҳақиқий баҳо қўйилишини истайман.

Муаллимга қизнинг адолат излаб айтган аламли гаплари зарра бўлсин таъсир қилмади. Аксинча, ўзини фариштадек бегуноҳ қилиб кўрсатди.

— Садқаи кўз ёшинг кетсин, — таъкидлади кимдир. — «Рус тили» фанидан Эгамованинг «3» баҳоси «5» га айлангани бежизмиди? Мушук бекорга офтобга чиқмайди!

Шаҳзода тушунди «йўлини қилиш керак». Қарз ҳавола қилиб юриб, икки дона «русароғи», икки килограмм гўштни Турсунбой фойдаланадиган шкафга солиб қўйди. Нима бўлди денг «қониқарли» баҳолар ўз-ўзидан «аъло»га айланди.

Қаловини топса қор ёнади, деганлари тўғри бўлиб чиқди. Иброҳимжон Очилов оилали бўлгани учун практикани Избоскан ноҳиясига олди. Аслида, Андижон шаҳрида ўташи лозим эди. Кўп маломатларга қолди. Ниҳоят, Шаҳзода каби иш кўрди. Муаллимнинг қўлидан калитни олиб шкафга «русароғи»дан ташлаб қўйди. Қарангки унинг ҳам иши юришиб кетди.

Дониёр Иброҳимов амалий ишлар кўриги пайтида ўзи қатнашмасада, баҳосини олди. Ш. Арзиқулованинг мушкулини ҳам «Русароғи» енгиллатди. Қандайдир кўринмас қўллар бор эди. Тортиқни қўйишган жойидан олишарди-ю, ҳожатталабларга ғойибдан ёрдам келарди.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейишади. Муаллим жамғарма ҳақида гап кетса, «битириш чоғида қийналмайсизлар», деган баҳонани рўкач қиларди. Кези келганда сўзидан қайтди. Аксинча, эсдалик сурат учун 35 сўмдан тўплашни таклиф қилди. Ўқувчилар аниқ қарорга кела олишмади:

— Бироз енгилроқ бўлсин, — изн сўрашди улар.

— Ҳар қалай ён берилди. Турсунбой 30 сўмдан йиғишга рухсат берди. 630 сўм жамғарилганда муроса қочди. Айримлар нархи осмондаги оқ-қора эсдалик суратдан воз кечишди.

Муаллим дарғазаб бўлди:

— Кўзларинг очилиб қолибди-да, яхшиликни билмаганлар, — деди у, — ҳали устознинг сўзини икки қилишни кўрсатиб қўяман. Ўйнашмагин арбоб билан, деган гап бор.

Раҳбар билан талабалар орасида қора мушук оралади. Кўринмас девор пайдо бўлди. Ўқувчилар сабрнинг таги олтин дея, сукут сақлаш яхшиликка олиб бормаслигини англаб етишди. Юракларидаги дардни арзнома қилиб расм-чизмачилик бўлими (собиқ) мудири Холис Юрданидзега тутқаздилар. Афсуски, тани бошқа дард билмас деганларидек, бўлим мудири шикоятни йиртиб юборди.

Шикоятбозликдан кейин Турсунбойнинг кўзи мошдек очилди. Жамғармадаги 1297 сўм 50 тийин пулни ўқувчиларга қайтариб берди. Ҳолбуки жамғармадаги пулнинг чўғи кўпроқ эди. Аризачилар оёқни қўлга олиб билим юрти раҳбарияти ҳузурига чопишди. Хайриятки, масала зудлик билан педагогик кенгаш кун тартибига қўйилди. Кимдир Т. Қурбоновнинг қилмишини қоралади, бошқа биров унга ён босди. Хуллас, кенгаш муаллимнинг елкасини силади. Уни гуруҳ раҳбарлигидан озод этиб, қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Маълум дарс соатлари олиб қўйилди.

Таассуф, виждонни, имонни унутган, ўқитувчилик обрўси, шаънини оёқ ости қилган кимса яна ўқувчиларга ваъзхонлик қилмоқда. Тарбия беряпти. Ҳеч нарса бўлмагандек, ҳеч қандай шармандалик рўй бермагандек йигит-қизлар кўзига тик қараётир. Қачон вазиятга одилона баҳо берилади, буниси қоронғу.

Чиллаки-чиллакини кўрса чумак уради, деганларидек, гуруҳ раҳбарлигига янги тайинланган Умар Бозорхўжаев ҳам шайтонга дарс берадиганлардан чиқиб қолди. Шунчалик муҳокама, жанжаллардан сўнг у яқинда битирувчи талабалардан таъмирлаш ишларига 3 сўмдан пул йиғди...

Қуш уясида кўрганини қилади. Педагогика билим юрти ҳар йили юзлаб ёш муаллимларни мактабларга йўллайди. Таъмагирлик, жаримачилик шароитида таҳсил олган битирувчилар мустақил ҳаётда қандай йўл тутишаркин? Баднафс муаллимнинг қилмишларини унутиб юборишармикан? Айтинг, айтинг, улар халқимиздаги «Домланинг айтганини қил, қилганини қилма», деган нақлни қулоқларига қуйиб олишган бўлишсин.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

ТВ

6 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Эзгуликни ардоқланг». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 12.05 Такрорий фильмлар экрани. «Қишлоқ изқуварн». Бадиий фильм. 13.30 ЎзТВ жавонидан. П. Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 3-қисм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Мис тор бекаси», «Потя ва Потиха». Мультфильмлар. 18.20 «Халқ куйларини қалбингда асра». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 18.55 «Хизмат кўрсатиш тармоқлари». Чирчиқ шаҳри аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Алифбо сабоқлари». 20.20 Долзарб мавзу. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.20 «Ўзбек яллалари». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Марияга аталган олмослар». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Елканли кема этди асир мени...». Телефильм. 18.25 «Излаб топ мени, Лёня». Бадиий фильм («Ленфильм»).

Тижорат кўрсатуви

19.50 «Техника тараққиёти йўлидан». Тошкент трактор заводи қайта қуриш йиллари да. 1-кўрсатув (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Хотира куни». XIX асрдаги машҳур украин маданият арбоби В. В. Тарновский ҳақида телефильм. 8.35 Новосибирскдаги Академ шаҳарчада фольклор фестивали. 9.15 «Худди мушук билан кучукдай». Мультфильм. 9.30 «Бор бўл, мусиқа!». 10.10 «Л. Троцкий». Тарихчи Д. Волкогонов ҳикоя қилади. 10.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.50 Коллаж. 12.00 «Вақт». 12.40 «Мусиқа театрда, кино ва телевиденеда». Композитор А. Петров. 16.45 «ТелеЭКО» жаридаси. 17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Вақт». 18.30 «Мусиқий хазина». 19.05 Долзарб интервью. 19.15 Австралия телевидениесининг беш оқшоми. Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси. «Тропик ўрмон симфонияси», «Ювериа» бабаки». 20.30 «Вақт». 21.00 Австралия телевидениесининг беш оқшоми. «Адолат тош-тарозиси». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия — «Ҳокимият». 22.15 Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар. 23.15 «ТСН»

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Мусаввир Петров-Водкин». Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Табиатшунослик. 4-синф. Она-замин. 9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Биология. 8-синф. Қисқичбақалар қаерда яшайди? 11.05 «Исёнкор князь». Илмий-оммабоп фильм.

* * *

12.05 Футбол. Ёшлар командалари ўртасида Европа чемпионати. Финал. Югославия—СССР терма командалари. Югославиядан кўрсатилади. 13.45 Такрорий телефильмлар сеанси. «Тушетия чўпонлари». 2-қисм. 15.00 Ритмик гимнастика.

* * *

16.30 Ритмик гимнастика. 17.30 Белоруссия ССЖ Давлат телерадиоси. «Виолончелист ҳаётидан» (Минск). 17.55 Коллаж. 18.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 18.30 Хотин-қизлар колонияларининг болалар уйидаги болалар ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («Қозоқфильм»). 18.40 Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. «Торпедо» стадионидан кўрсатилади. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз сузишни ўрганамиз». 19.45 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 20.45 П. И. Чайковский романсларини К. Лисовский ижро этади. 21.00 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Ротор». В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 22.50 РСФСР Компартиясининг съездида. Информацион кўрсатув.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23567.